БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 250 (741)

21 ДЕКАБРЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Агрономлар ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассислари келгуси йил ҳосили учун шудгор қилиш ва бошқа агротехника тадбирларини ўтказишда сифатсиз ишга қарши кескин кураш олиб боришлари лозим.

(Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мурожаатидан)

Социалистик саноатимизнинг янги муваффақиятлари сари

Областимиз меҳнаткашлари партиямиз шонли XX съезди қарорларини амалга ошириб, олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йил давлат планларини муддатидан илгари бажариш учун курашда янгидан-янги ғалабаларга эришмоқдалар. Республикамиз, шу жумладан областимиз қишлоқ хўжалик ходимлари 1956 хўжалик йилини самарали якунладилар. Областимиз пахтакорлари пахта тайёрлаш юзасидан давлат планини ва мажбуриятларини республика биринчи бўлиб бажардилар. Область меҳнаткашлари республикамизнинг иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланганлигини шоду-хуррамлик билан кутиб олдилар. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг республикамизни янада гуллаб-яшнатиш тўғрисида қилиб келаётган ғамхўрликларининг ёрқин ифодаси бўлган бу олий мукофот областимиз меҳнаткашларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб юборди.

Область саноат корхоналари, темир йўл транспорти, қурилиш объектларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари яна бир катта ғалабани қўлга киритдилар — область саноати йиллик давлат планини муддатидан анча илгари — 9 декабрда муваффақият билан бажарди. Йил охиригача кўшимча равишда 390 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шундай қилиб саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагидан 8 процент кўпаяди. Шуни алохида кўрсатиб ўтиш керакки, областдаги 234 саноат корхонаси 1957 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Саноат соҳасидаги бу катта ютуқлар партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ҳамда хўжалик ходимларининг ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш методларини анча яхшилаганликлари, конкрет экономика масалалари билан жиддий шуғулланганликлари натижасида қўлга киритилди. Саноатда, темир йўл транспорти ва қурилиш объектларида янги ва энг янги техникани, прогрессив технологияни кенг жорий этилди. Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг ўзида йил бошидан бери ҳаммаси бўлиб 2500 единица юқори иш унумли ускуна ўрнатилди, 53 та конвейер ва поток линияси ташкил этилди. 600 дан кўпроқ станок ва механизмлар модернизация қилинди.

Ишчилар ва инженер-техник ходимлар кейинги вақтда айниқса техникани тараққий эттириш учун курашда жуда активлик кўрсатиб ишламоқдалар. Ҳозирги пайтда пойтахт саноатида 7 минг кишидан ортиқ рационализатор ва ихтирочи ана шу масала билан шуғулланаётир. Улардан ташқари 4 мингга яқин таклифни ишлаб чиқаришга жорий этиш 20 миллион сўмликдан кўпроқ давлат маблағини иқтисод қилишни таъминлади.

Буларнинг ҳаммаси корхоналарда ўтган йилга нисбатан меҳнат унумдорлигини анча ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаган ҳолда унинг таннархини камайтириш ҳамда бир неча миллион сўм қўшимча жамғарма тўплаш имкониятини берди.

«Узбекуголь» трести СССР Кон саноати корхоналари ўртасида бошланган социалистик мусобақада бир неча йилдан бери олдинда бормоқда. Оҳангарон кўмир ҳавзасининг кончилари бу йил ҳам социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, давлат планини муддатидан анча илгари бажардилар. Шунингдек, Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи йилнинг биринчи ярмида рўй берган камчиликларни тугатиш, корхонани илғорлар қаторига кўтариш учун курашиб, пўлат ва прокат ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларга эришди. Областимизнинг «Узбексельмаш», «Подъемник», «Ташкенткабель», Ильич номли йирик корхоналари ҳам давлат планларини муддатидан илгари бажардилар.

Кенг ишчилар оммасининг актив иштироки билан меҳнат унумдорлигини оширишга, янги техникани кўплаб жорий қилишга, илғор иш методларини кенг оммалаштиришга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши бу корхоналарнинг юқори кўрсаткичларга эришишини таъминлади.

Бу ютуқлар бизни жуда қувонтиради. Бироқ шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, областдаги саноат корхоналарининг қарийб тўртдан бир қисми ишлаб чиқариш программаларини бажара олмай келаётир. Бундай корхоналарнинг раҳбарлари ишлаб чиқаришда социалистик мусобақани ривожлантиришга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланишга, илғор иш методларини кенг оммалаштиришга етарли эътибор бермаётирлар. Хильково цемент, Тошкент экскаватор, МПС машинасозлик заводлари ва бошқа айрим корхоналар шулар жумласидандир.

Вазифа — орқада қолиб кетаётган корхоналарни илғорлар қаторига етказиб олишдан иборатдир.

Социалистик мусобақа ишчилар оммасининг активлигини, ижодий ташаббусини оширишнинг энг яхши методидир. Шунинг учун ҳам корхона партия ва касаба союз ташкилотлари корхоналар, цех ва участкалар, бригада ва айрим ишчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг ривожлантиришга, мусобақа шартномаларининг бажарилиши учун барча имкониятларни яратишга катта эътибор беришлари лозим. Кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ишлаб чиқаришдаги сансолларликка, брак маҳсулот ишлаб чиқаришга қарши курашга жалб қилишлари лозим.

Олтинчи беш йилликнинг биринчи йилини ишлаб чиқаришда катта муваффақият билан якунлаган область саноатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари қўлга киритилган ғалабаларни янада янги ютуқлар билан мустаҳкамлаш учун зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

Хўжалик йилининг якунланишига саноқли кунлар колди. Саноат корхоналари, темир йўл транспорти ва қурилиш объектларининг партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг бурчи — ишлаб чиқаришдаги барча резерв ва имкониятларни социалистик саноатимизни янада ривожлантириш учун сафарбар этишдан иборатдир.

Область саноати 1956 йил планини муддатидан илгари бажарди

Область саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XX съезди томонидан совет халқи олдига қўйилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажариш учун курашиб, 1956 йил яхши маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари — 19 декабрда бажардилар.

Оҳангарон шаҳар саноат корхоналари социалистик мусобақада катта муваффақиятларга эришдилар. Улар биринчи бўлиб, 14 декабрда йиллик программани бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Улардан кейин Янгийўл саноат ходимлари, 17 декабрда Тошкент шаҳар корхоналари, 19 декабрда Бекобод ва 20 декабрда Чирчиқ саноат ходимлари йиллик планни бажардилар.

Йил охиригача область саноати қўшимча равишда 390 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Шундай қилиб саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилгидан 8 процент кўп бўлади.

234 саноат корхонаси келаси йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. 9-шахта коллективи, «Чирчиксельмаш», «Подъёмник», «Ташкенткабель» заводлари, шунингдек, Чирчиқ ойна заводи, Тошкент, Янгийўл ва Бўстонлик консерва заводлари, Келесдаги жунни дастлабки ишлаш фабрикаси, Бекободдаги ишлаб чиқариш корхоналари комбинати ва бошқа корхоналарнинг коллективлари биринчи сафда бормоқдалар.

Эришилган муваффақиятлар меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ошиб бориши, янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш натижасидир. Новаторлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшдилар.

Областда шу йилнинг ўзида юздан кўпрок цех қурилди ва реконструкция қилинди, янги юқори унумли ускуналар ишга туширилди, эски станок ва машиналар кўплаб модернизация қилинди. Янги пахта тозалаш заводлари қурилмоқда.

Аммо эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда саноат ишида жиддий камчиликлар ҳам бор. Айрим корхоналар йиллик планни муваффақиятли бажариш учун қатъий тадбирлар кўрмаётирлар. «Средазхиммаш», «Ташавтомаш», экскаватор заводлари, МПС машинасозлик заводи, грампластинкалар заводи, Бўстонлик ва Тошкент мармар заводлари, 1- ва 6-гишт завод бошқармалари, 6-нон заводи, 3-мебель фабрикаси ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Бир қанча муҳим маҳсулотлар — пўлат, химия саноати учун айрим ускуналар, бинокорлик материаллари ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани бажарилмаётир.

Ҳозир область саноат корхоналарида янги йилда ҳам муваффақиятли ишлаш учун ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Олтинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа янги куч билан авж олдирилмоқда.

Ўзбекистон КП Фарғона область комитетига ва область ижроия комитетига

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети зўр мамнуният билан қайд қиладиларки, Фарғона областининг пахтакорлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлида анча иш қилдилар. Область колхозлари ва совхозлари бу йил давлатга 380 минг тонна, ёки ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 36 минг тонна кўп пахта топширдилар. Топширилган пахтанинг 86 процентидан кўпи биринчи сортларга қабул қилинди. 171 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 22,2 центнердан, ёки ўтган йилдагига қараганда 1,5 центнер кўп пахта териб олинди ва давлатга топширилди.

Областда ғалла, шоли, сабзавот, узум, гўшт, сут, жун, ҳом тери, мўйна, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва харид қилиш планлари ҳам муддатидан олдин бажарилди.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Фарғона областининг колхозчиларини, МТС ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, пахта теришда қатнашган шаҳар меҳнаткашларини, студентларни ва мактаб ўқувчиларини, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва комсомол ходимларини эришилган муваффақиятлар билан табриклайдилар ҳамда улар КПСС XX съездининг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш устида бундан буён янада зўр ғайрат билан ишлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ўзбекистон КП Қашқадарё область комитетига ва область ижроия комитетига

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Қашқадарё областининг колхозчиларини, МТС ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, пахта теримида қатнашган шаҳар меҳнаткашларини, студентларни ва мактаб ўқувчиларини, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва комсомол ходимларини пахта тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилганлиги билан табриклайдилар. Область колхозлари бу йил давлатга 115 минг тонна, ёки 1955 йилнинг шу вақтидагига қараганда 21,5 минг тонна кўп пахта топширдилар. Областда ғалла, гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва харид қилиш планлари ҳам бажарилди.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Қашқадарё областининг пахтакорлари пахта етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришда анча иш қилганликларини қайд қилиш билан бирга, улар КПСС XX съездининг пахтачиликни юксалтириш ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш йўлида бундан буён ҳам янада зўр ғайрат билан ишлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ўзбекистон КП Наманган область комитетига ва область ижроия комитетига

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Наманган областининг колхозчиларини, МТС ва совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, пахта теришда иштирок этган шаҳар ва район марказлари меҳнаткашларини, студент ва мактаб ўқувчиларини, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва комсомол ходимларини пахта тайёрлаш йиллик планининг муваффақиятли бажарилганлиги билан табриклайдилар. Область колхозлари ва совхозлари бу йил давлатга 298 минг тонна, ёки 1955 йилнинг шу вақтидагига қараганда 40 минг тонна кўп пахта топширдилар. Областда ғалла, гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва харид қилиш планлари ҳам муваффақият билан бажарилди.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Наманган областининг пахтакорлари пахта етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш соҳасида катта иш қилганликларини таъкидлаб улар КПСС XX съездининг пахтачиликни юксалтириш ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш учун келгусида бундан ҳам зўр ғайрат билан курашадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ўзбекистон КП Сурхондарё область комитетига ва область ижроия комитетига

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети мамнуният билан қайд қиладики, Сурхондарё областининг пахтакорлари пахта етиштиришни кўпайтириш йўлида анча иш қилдилар ва пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақият билан бажардилар. Бу йил областда давлатга 198 минг тонна, ёки ўтган йилдагидан 24 минг тонна кўп пахта топширилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 25,2 центнердан пахта топширилди. Топширилган бутун пахтанинг 90 процента биринчи сортларга қабул қилинди. Областда дон, сут, тухум, жун, қоракўл тери ва узум тайёрлаш ва харид қилиш планлари ҳам бажарилди.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Сурхондарё областининг колхозчиларини, МТС ва совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва комсомол ходимларини, барча меҳнаткашларини эришган муваффақиятлар билан табриклайдилар ҳамда улар КПСС XX съездининг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги директиваларини бажариш йўлида бундан буён ҳам қунт билан ишлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Қорақалпоғистон пахта тайёрлаш давлат планини бажарди

НУКУС, 20 декабрь. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон колхозлари пахта тайёрлаш планини бажардилар. Давлатга 1955 йилдагига қараганда 38,6 минг тонна кўп пахта топширилди. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 3,9 центнер ошди.

Автоном республика колхозлари йирик қора мол сонини кўпайтириш планини ошириб бажардилар, сут етиштиришни бир ярим баравар кўпайтирдилар. Пилла, қоракўл тери ва ондатра териси, тухум, ҳом тери тайёрлаш юзасидан ҳам топшириқ ошириб бажарилди.

Ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажарган Қипчоқ район пахтакорлари ва механизаторлари катта ғалабага эришдилар. Ҳар гектардан 22,5 центнердан, яъни ўтган йилдагига қараганда 6,7 центнер кўп пахта олинган.

Тўрткўл райони колхозлари энг юқори ҳосилга эришдилар. Бу районда ҳар гектардан 25,5 центнердан пахта олинди. Райондаги ўнлаб бригада ва звенолар бу йил давлатга гектаридан 30-40 центнердан пахта топширдилар.

Юқори ҳосил олинганлиги жамоат хўжалигининг даромадини ошириди. Қипчоқ райони колхозлари пахтачиликдан 1955 йилдагига нисбатан икки баравар кўп даромад олдилар. Тўрткўл районидаги колхозларнинг даромадлари 50 миллион сўм ортди.

Кейинда қолган хўжаликларни мустаҳкамлаш учун саксондан кўп тажрибали партия ходимлари ва совет ходимлари колхозларга ишга юборилди. Бу колхозларга давлат томонидан катта моддий-техника ёрдами кўрсатилди. Натижада 109 та қолоқ колхоздан 99 таси юқори ҳосил етиштирувчи илғор хўжаликлар қаторига чиқди.

Қорақалпоғистондаги шаҳар ва район марказларининг аҳолиси пахта йиғим-теримида колхозларга актив ёрдам бердилар. Йиғим-терим даврида шаҳар аҳолисидан минглаб кишилар республика пахта далаларида ишлади.

Ҳозир Қорақалпоғистон колхозлари кўкламга тайёргарлик ишларини қизитиб юборадилар. Ирригация шохобчаларини тозалаш, кузги шудгорлаш ишлари олиб борилмоқда, қишлоқ хўжалик асбоб-анжомлари ремонтдан чиқарилмоқда, минерал ва маҳаллий ўғит ташиб қўйилмоқда.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРИЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. И. Брежнев туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан ва унинг Коммунистик партия ҳамда Совет давлати олдида қилган хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Леонид Ильич **Брежнев Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. ГОРКИН.

Москва, Кремль

1956 йил 18 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан, кўп йиллик ва самарали хизматлари учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг аъзоси Игнатов Николай Павлович Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фаҳрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Москва области меҳнаткашларининг катта муваффақияти

Москва области меҳнаткашлари шу кунларда шоду-хуррамлик қилмоқдалар. Пойтахт области қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари учун Ленин ордени билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хабар область қишлоқларига, шаҳарларига ва ишчи поселкаларига жуда тез тарқалди. Ҳамма жойда йиғилишлар, суҳбатлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари ва новаторлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Пойтахт областининг юзлаб илғорлари, колхоз, МТС ва совхозларининг раҳбарлари ва мутахассислари, илмий ташкилотларнинг, партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг вакиллари 19 декабрда Катта Кремль саройида митингга тўпландилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроль комитетининг раиси Ўртоқ И. М. Шверник, РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси Ўртоқ М. П. Тарасов, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти Ўртоқ П. П. Лобанов, машҳур селекционер профессор А. Г. Лорх Москва области колхозларининг, МТСлари ва совхозларининг донгдор кишилари президиумга чиқишлари билан уларни митингдагилар узоқ давом қилган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Митингни Москва области Совети ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Н. Ф. Игнатов очади. КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари Ўртоқ И. В. Капитонов сўзга чиқиб, СССР Олий Совети Президиумининг Москва областини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб беради.

Қишлоқ хўжалик артелларининг, МТСларнинг раҳбарлари, партия ходимлари, оддий колхозчилар, бригадирлар бирин-кетин трибунага чиқадилар. Улар Москва области меҳнаткашлари номидан партия ва ҳукуматга область меҳнаткашлари эришган муваффақиятларга юксак баҳо бергаилиги учун чин кўнгилдан ташаккур айтдилар. Бу мукофот туфайли меҳнат ғайрати ва сиёсий руҳ гоят юксалганлигини гапириб бердилар. Сўзга чиққанлар область меҳнаткашлари чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишда мамлакатда қандай қилиб энг юқори кўрсаткичга эришганликларини сўзлаб бердилар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳали фойдаланилмаётган катта резервлари борлигини ҳамда янги йил учун олинган мажбуриятларни айтиб ўтдилар.

Ленин районидаги Владимир Ильич номли колхоз сут соғиб олишда мамлакатда биринчи ўринни олди. Бу совхоз кейинги йил мобайнида ўрта ҳисоб билан ҳар бир сигирдан 5477 килограммдан сут соғиб олди. Шу колхознинг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ И. А. Буянов, колхозчилар райондаги қолоқ колхозлардан бирини оталикка олишга қарор қилдилар, деб айтди. Ўртоқ Буянов пойтахт областидаги илғор колхозларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб, қолоқ колхозларни оталикка олишни, якин фурсатда уларни илғорлар қаторига чиқаришни таклиф қилди.

Митингга тўпланганлар Кашира районидаги Маленков номли колхознинг сут соғувчиси Е. В. Алешчеванинг трибунага чиқишини қизғин кутиб олдилар. Е. В. Алешчева ўзига бириктириб қўйилган сигирларнинг ҳар қайсисидан ўрта ҳисоб билан 6403 килограммдан сут соғиб олиб, Москва областидаги сут соғувчи колхозчилар мусобақасида биринчи ўринга чиқишга муваффақ бўлди. Ўртоқ Алешчева областдаги энг яхши сут соғувчиларнинг ҳаммасини хали ҳам кам сут соғиб олаётган сут соғувчиларни оталикка олиб, ўзларининг тажрибалари ва маслаҳатлари билан уларга ёрдам беришга чақирди. Буянов ва Алешчева ўртоқларнинг таклифларини митинг қатнашчилари қизғин суратда маъқуллаб кутиб олдилар.

Бу йиғилишда Хрушчев номидаги колхоз агрономи Л. В. Штарева, Вошилов номидаги колхоз бригадири И. С. Ерохин, Ивашевская МТСнинг директори Ўртоқ Н. Э. Ритко ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев катта нутқ сўзлади. Унинг сўзи неча марталаб қарсаклар ва маъқулловчи хитоблар билан бўлиниб турди.

Митинг қатнашчилари ССР Олий Совети Президиумига, ССР Иттифоқи Министрлар Советига ва КПСС Марказий Комитетига ёзилган табрик хатини қабул қилдилар.

Митинг қатнашчиларига концерт қўйиб берилди. (ТАСС).

Эстония санъати ва адабиёти декадаси

Декада спектаклларини ва концертларини 50 минг киши келиб кўрди

Эстон санъати ва адабиётининг Москвада ўтказилаётган декадасининг иккинчи ярми бошланди.

Декаданинг биринчи ярмида қардош эстон халқининг маданияти билан 50 мингдан кўпроқ киши танишди. Декаданинг муваффақияти кўпайиб бормоқда. «Эстония» опера ва балет театрининг, В. Кингисепп номидаги ҳамда «Ванемуйне» театрларининг спектаклларини кўришни, давлат академик эркаклар хори билан, Эстония радиосининг симфоник оркестри ва хори билан, халқ рақсларини ижро этувчи ҳаваскорлар ансамбли билан, халқ чолғу асбоблари оркестри ва бошқа коллективлар билан танишишни истаганларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

Декада кунларида «Эстония» опера ва балет театри москваликларга икки операни — Зуген Каппнинг «Қасос ўтлари» операсини ҳамда М. П. Мусоргскийнинг «Борис Годунов» операсини кўрсатди. Театр 19 декабрда москваликларга янги операни — Густав Эрнесакснинг «Қўлни-қўлга бериб» операсини кўрсатди.

Томошабинлар, санъат усталари, театр танқидчилари бу спектаклга алоҳида қизиқиш билан қарадилар. «Қўлни-қўлга бериб» операси эстон колхозининг ҳаётидан олинган ва ҳозирги замон темасини акс эттирган операдир. Томошабинлар бу спектаклни яхши кутиб олдилар.

19 декабрда В. Кингисепп номидаги театр жаҳон драматургиясининг энг мураккаб асарларидан бири бўлган В. Шекспирнинг «Антоний ва Клеопатра» трагедиясини декада бошланганидан бери биринчи марта кўрсатди.

Бу спектакль театрнинг кейинги йиллардаги энг катта бадиий муваффақиятидир.

Эстон шоирларининг ижодиёти совет адабиётида катта ўрин олмоқда. Уларнинг халқ турмуши билан боғланган асарлари халқнинг истак ва орзуларини акс эттирмоқда. 19 декабрда СССР Ёзувчилар союзида бўлган ижодий дискуссияда шу ҳақда гап бўлди. Муҳокамани бошлаб берган Маргарита Алигер Эстония поэзияси фикрлашиб олмоқ учун бой ва қизиқарли материал бераётганлигини қайд қилиб ўтди. Муҳокама қатнашчилари биринчи декададан бери ўтган йиллар мобайнида эстон поэзияси сезиларли равишда ўсганлигини, янги ажойиб асарлар, янги номлар билан бойлганлигини гапириб бердилар.

Союзлар Уйининг Колонна залида ва консерваториянинг Кичик залида эстон музикачиларининг концертлари бўлди. Эстон радиосининг симфоник оркестри республикада хизмат кўрсатган артист дирижёр Роман Матсов раҳбарлигида ва Эстония ССРнинг хизмат кўрсатган артистлари Анна Клас билан Бруно Луккнинг фортепиано дуэти концерт бердилар. Томошабинлар ижрочиларни кучли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ўсимлик моддалари химияси бўйича Бутуниттифоқ координацион кенгаши

20 декабрда Тошкентда ўсимлик моддалари химияси бўйича Бутуниттифоқ координацион кенгаши очилди. Бу кенгаш СССР Олий таълим министрлигининг университетлар, экономика ва юридик олий ўқув юртлари Бош бошқармаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университети томонидан чақирилган эди. Кенгаш ишида Москва, Ленинград, Тошкент, Олмаота, Сталинобод, Кишинёв ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган олимлар қатнашмоқда.

Кенгаш бир неча кун давом этади. Кенгашнинг ялпи ва секция мажлисларида ўсимлик моддалари химияси соҳасида олиб борилган тадқиқот ишлари тажрибасини умумлаштирувчи эллликка яқин доклад тингланади ва муҳокама қилинади. Бир неча доклад пахта химиясига бағишланади. (ЎзТАГ).



Калининградда катта блоклардан уй-жой бинолари қуриш ишлари қизитилмоқда. Бу йил бинокорлар ўнларча янги уй-жой биноларини фойдаланишга топширдилар. **Суратда:** театр майдонида янги уйлар қурилиши.

Н. Чемерис фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Совет демократияси амалда

ХАЛҚ ХИЗМАТКОРЛАРИ ҲИСОБ БЕРМОҚДАЛАР

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент район Совети ва қишлоқ Советларининг депутатлари ўз сайловчилари билан учрашиб, қилган ишлари ҳамда сайловчилар наказларининг бажарилиши ҳақида ҳисоб бермоқдалар. Ҳозиргача қишлоқ Советларининг 208 депутатидан 177 киши, район Совети депутатларидан 12 киши сайловчилар олдида ҳисоб берди.

Маленков номли колхозда ўтган ҳисобот йиғилишига кўп киши қатнашди. Йиғилишда район Советининг депутатлари Р. Жабборова, 1-МТСнинг бош агрономи Каноплев ўртоқлар район Советининг 1956 йилда қилган иши ва сайловчилар наказларининг бажарилиши ҳақида муфассал сўзлаб бердилар. Бу йил қишлоқни шаҳар билан боғлайдиган Назарбек йўлига асфальт ётқизилди. 1-МТС ҳузурида янги ошхона қурилиб ишга туширилди. МТС хизмат қиладиган колхозларда сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириш ишига депутатлар ва механизаторлар катта ҳисса қўшдилар.

Сайловчилар депутатларнинг ҳисоботини муҳокама қилишда актив қатнашиб, эришилган ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўзладилар, депутатларга янги наказлар бердилар.

—⊙—

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Октябрь район медицина ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда 500 га яқин медицина ходимлари — профессорлар, доцентлар, бош врачлар ва медицина ҳамширалари, партия ва совет ходимлари қатнашдилар. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари ўртоқ Жамолова «Соғлиқни сақлаш ходимлари Бутуниттифоқ кенгашининг иш якуни ва меҳнаткашларга медицина хизматини яхшилаш вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатиш анча яхшиланганини қайд этиб ўтдилар ва медицина муассасаларининг ишидаги камчиликларни таҳқид қилдилар.

Профессорлардан Раевская, Масумов, Павлова ўртоқлар кўпгина медицина муассасалари медицина асбоб-ускуналари билан етарли даражада таъмин этилмагани, медицина фанининг ютуқлари камдан-кам татбиқ этилаётгани ҳақида гапирдилар. Сўзга чиққан 10 га яқин нотиқлар райондаги болалар касалхонаси ва туберкулёз диспансери касалларни шифолаш талабига жавоб бермайдиган даражага тушиб қолгани ҳақида гапирдилар. Районда аҳолини сув билан таъминлаш, канализация масалалари, санитария-окартув ишлари яхши уюштирилмагани кенгашда таҳқид қилинди.

Район партия комитетининг секретари Исломов ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Шомирзаев ўртоқлар медицина ходимлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар қониқарсиз олиб борилаётгани, мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётгани ҳақида гапириб, медицина ходимларининг касалларга бўлган муомаласини яхшилаш, сиёсий-тарбиявий ишларни тўғри йўлга қўйиш муҳим вазифа эканини уқтириб ўтдилар. Кенгаш медицина хизматини яхшилашга қаратилган тадбирларни белгилаб чиқди.

П А Р Т И Я Т У Р М У Ш И

Докладчи ютуқларни санаб ўтди-ю, камчиликлар ҳақида гапирмади

Мирзачўлнинг янгидан ўзлаштирилган ерларида ташкил этилган Охунбобоев номли колхознинг пахтачиликни ривожлантириш соҳасида эришаётган катта ютуқлари фақат Сирдарё районидагина эмас, ҳатто областимизда ҳам яхши маълум. Бу йил 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан кўпроқ пахта йиғиб олинди ва колхоз ўз социалистик мажбуриятини ошириб бажарди.

Колхозда чорва туғғини ўстириш плани ҳам барча турлар бўйича ошириб бажарилди. Ҳар бир соғин сигирдан пландаги 1200 ўрнига 1553 литрдан сут соғиб олинди. Колхоз чорвачилик маҳсулотлари, пилла тайёрлаш планларини белгиланган муддатдан илгари тўлиқ адо этди.

Бу ютуққа, шубҳасиз, колхоз партия ташкилоти пахтакорлар ва чорвадорларнинг хўжаликни юксалтириш учун курашини тўғри ташкил этгани ва унга яқиндан раҳбарлик қилганлиги туфайли эришилди.

Яқинда бўлиб ўтган колхоз партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган партия бюросининг секретари ўртоқ Ҳ. Маҳкамов аён шу ютуқларни бирма-бир санаб кўрсатди. Лекин шуниси ажабланарлики, докладда камчиликлар ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмади.

Даставвал шуни айтиш керакки, партия ташкилотининг ҳаётида муҳим воқиа бўлган ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказишга жуда бўш тайёрлик кўрилган. Буни докладнинг ўзидан ҳам билиб олиш мумкин. Унда колхоздаги ишнинг аҳволи ҳақида сўз ҳам анализ қилинмаган, партия бюроси ва умуман партия ташкилотининг ҳисобот даврида қилган иши ҳақида жуда оз гапирилган. Танқид ва ўз-ўзини танқидга ўрин берилмаган.

Сўзга чиққан коммунистлар хўжалик, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишлардаги камчиликларни дадил очиб ташладилар. Фақат ютуқларни санашдан нарига ўтмаганн учун докладчини, йиғилишга пухта тайёрлик кўришни таъминламагани учун партия бюросининг аъзоларини қаттиқ танқид қилдилар ва докладни кўп жиҳатдан тўлдирдилар.

— Колхозимизнинг аъзолари, — деди партия бюросининг аъзоси, колхоз правлениесининг раиси ўртоқ А. Убайдуллаҳўжаев, — партия ташкилотининг раҳбарлиги остида пахтачиликни ривожлантиришда бу йил яхши муваффақиятга эришдилар. Бу доклада ўз ифодасини тошган. Лекин докладда пахтачилик соҳасида йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг сабаблари очиб берилмади.

Биз бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишимиз мумкин эди. О. Соатов ва О. Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ 3 ва 10-бригадаларда гўзалар бир сув билан қолдирилди. Йўл қўйилган бошқа камчиликлар билан бир қаторда бунга колхоз правлениесининг раиси, партия бюросининг аъзоси сифатида мен ҳам айбликман. Чунки бригада бошлиқларига ерости суви яқин ва гўза говлаб кетади, деб экинни суғормасликни таклиф қилдик ва сув бермай қўйдик. Эзнинг иссиқ келганлигини ҳисобга олмадик. Бу бригадаларда дастлабки ҳисобга кўра гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш мўлжалланган эди. Оқибатда 40 центнерга ҳам етмади. Партия бюроси ва унинг секретари ўртоқ Маҳкамов бизнинг хато қилаётганлигимизни кўрсатмади.

Партия ташкилоти маҳсулотнинг таннархини камайтириш, хўжаликнинг барча тармоқларини юқори даромад олинадиган манбага айлантириш учун жиддий чоралар кўрмаётир. Йиғилишда чиқиб сўзлаган коммунистлар эътиборни шунга жалб этдилар.

Колхозда бу йил пахтанинг ҳар гектарига тахминан 180, бир центнер пахта етиштириш учун эса 5-6 меҳнат куни сарфлангани сабабли пахтанинг ҳар гектаридан олинадиган даромад 13-14 минг сўмга, бир тонна пахтанинг таннархи 483 сўмга тўғри келди. Лекин олинган жунинг килоси 7 сўм 80 тийинга, чўчқа гўштининг килоси 5 сўм 70 тийинга, тухумнинг донаси 50 тийинга тўғри келди. Етиштирилган картошка, сабзавот, узумнинг, шунингдек тайёрланган ем-хашак ва силосининг таннархи ҳам анча ошиқ бўлди.

Колхозда кейинги йилларда катта ҳажмдаги хўжалик ва маданий-маиший қурилиш амалга оширилди. Колхоз правлениесининг янги бинои, ўн йиллик мактабнинг катта ҳашаматли бинои, касалхона, ҳаммом, электростанция, янги йўллар, колхозчиларнинг янги типда солинган ва электрлаштирилган ҳамда радиолаштирилган юзларча уйлари, кўкартирилган миллаб дарахтлар ва янгидан барпо этилган боғлар колхоз қишлоғининг ҳусниga-ҳусн қўшмоқда. Шу билан бир қаторда бу соҳада ҳали катта камчиликлар ҳам мавжуд.

Ўртоқ А. Раҳматовнинг кўрсатишича, колхознинг энг узоқ участкаси ҳисобланган 3-участкада яшовчи колхозчилар хонадонининг ярми шу вақтга қадар электрлаштирилмаган ва радиолаштирилмаган.

Коммунист ўртоқ Р. Ҳолмуҳамедов ўз сўзини келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирлаш масаласига бағишлади.

— Бу йил пахтадан мўл ҳосил олинишига, — деди у, — кўп жиҳатдан ўтган йили кузда пахта ерларининг барвақт ва сифатли шудгор қилиб қўйилгани сабаб бўлди. Келгуси йили пахтадан янада мўл ҳосил етиштиришимиз ва бунинг учун барча кузги-қишки тадбирларни кечиктирмай амалга оширишимиз лозим. Аммо бу соҳадаги ҳозирги аҳвол талабга тўла жавоб бермайди. Шунингдек ўртоқ Холмуҳамедов, КПСС аъзолари сонини илғорлар ҳисобига ўстиришга кам эътибор берганлиги учун партия бюросини қаттиқ танқид қилди.

Ҳисобот даврида фақат икки киши КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинган. КПСС сафини илғор хотин-қизлар ҳисобига ўстириш масаласи партия ташкилотининг эътиборидан четда қолаётир.

Ўртоқ З. Саидова ана шу ҳақда гапириб бундай деди:

— Партия ташкилоти ҳисобидаги 34 коммунистдан фақат 2 киши хотин-қизлардир. Бригадаларда, чорвачилик фермаларида фидокорона меҳнат қилаётган ва КПСС сафига қабул қилинишга лойиқ бўлган ўнлаб илғор хотин-қизлар бор. Афсуски, партия бюроси бу масала билан етарли шуғулланмаётир.

— КПСС XX съездидан кейин, — деди сўзини давом эттириб ўртоқ Саидова, — партия ташкилотларида партия ички демократиясини кенгайтириш, коллектив раҳбарлик принципига қатъий амал қилиш соҳасида олға томон катта қадам қўйилди. Буни бизнинг партия ташкилотимиз мисолида кўриш мумкин. Шунга қарамай, муҳим хўжалик ва сиёсий масалалар айрим ҳолларда тор доирада — партия бюроси ва правление аъзолари томонидан ҳал қилиб келинмоқда. Бу ишга оддий коммунистлар, бригада ва звено бошлиқлари, илғор колхозчилар ҳамон кам жалб этилаётир.

Йиғилишда коммунистлар лекция пропагандаси, сиёсий агитациянинг қўлами ва савияси ҳозирги юксак талабларга жавоб бермаслигини, уни янада жанговар ва мазмунли қилиш юзасидан партия ташкилоти зарур чоралар кўриши кераклигини талаб қилдилар.

Шуни айтиш керакки, район партия комитети ва унинг ташкилот бўлими партия ташкилотида ҳисоботсайлов йиғилишига яхши тайёрлик кўрилишини таъминламаган. Ҳисобот доклади йиғилишдан олдин колхоз партия бюро аъзолари томонидан муҳокама қилинмаган ва тўлдирилмаган. Шунинг учун ҳам у фақат ютуқларни қайд қилувчи ахборотдан иборат бўлиб қолган.

Йиғилишда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни янада яхшилаш, хўжаликни янада ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб қарор қабул қилинди.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Коммунист Шопўлатов бошлиқ бригадада

Янгийўл районидаги «XIX партсъезд» колхозининг коммунистлари бу йил колхозда пахтадан мўл ҳосил етиштиришда катта ҳисса қўшдилар.

Коммунист ўртоқ Аҳмад Шопўлатов бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили кузги шудгорлаш ишларини агротехника қоидалари асосида сифатли ўтказганликлари туфайли бу йил 94 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 34 центнердан ҳосил йиғиб олиб, бригадаларарО социалистик мусобақада голиб чиқдилар.

Бригада аъзолари даладаги барча ҳосилни тўла йиғиб олиб, ҳозир кузги шудгорлашни қисқа муддатда ва сифатли қилиб ўтказиш учун барча имкониятлардан кенг фойдаланмоқдалар. Бригадага бириктиб қўйилган тракторчи ўртоқ Эргашали Юсупалиев ўз машинаси билан 30 гектар ерни гўзапоядан тозалаб берди. Гўзапоядан тозаланган ерга аввал маҳаллий ўғит ва фосфор солиниб, сўнг чуқур шудгор қилинди.

Бригада аъзоларининг бу каби яхши натижаларга эришишида улар ўртасида олиб борилаётган ва кун сайин кучайтирилаётган оммавий-сиёсий ҳамда партиявий ишлар катта роль ўйнаётир. Ўртоқ Шопўлатов бригада ишларига раҳбарлик қилиш билан бир қаторда колхозчилар ўртасида сиёсий агитация ҳам олиб боради. У, бригада аъзолари ўртасида ўтказилаётган суҳбатларда кузги шудгорлаш, ўғит солиш ва бошқа кузги-қишки тадбирларнинг мўл ҳосил етиштиришда нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кенг тушунтиришга алоҳида эътибор бермоқда.

С. ЗОҲИРОВ.

Тошкент экскаватор заводининг Э-352 маркали экскаваторлари мамлакатимизнинг кўп томонларига юборилаётир. **Суратда:** топшириқни 200 процентга етказиб бажараётган йиғувчи-слесарь **Г. Никитенко** янги экскаватор дизели двигателини рамага ўрнатаётир.

В. Салов фотоси.

ҚОРАСУВ РАЙОНИДА

НОВАТОР ДЕҲҚОН

Ўртоқ А. Обидов колхозга аъзо бўлиб юрган пайтларида ҳам картошка етиштиришда ўзининг бошқа колхозчилар билан бир қаторда бунга колхоз правлениесининг раиси, партия бюросининг аъзоси сифатида мен ҳам айбликман. Чунки бригада бошлиқларига ерости суви яқин ва гўза говлаб кетади, деб экинни суғормасликни таклиф қилдик ва сув бермай қўйдик. Эзнинг иссиқ келганлигини ҳисобга олмадик. Бу бригадаларда дастлабки ҳисобга кўра гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш мўлжалланган эди. Оқибатда 40 центнерга ҳам етмади. Партия бюроси ва унинг секретари ўртоқ Маҳкамов бизнинг хато қилаётганлигимизни кўрсатмади.

Партия ташкилоти маҳсулотнинг таннархини камайтириш, хўжаликнинг барча тармоқларини юқори даромад олинадиган манбага айлантириш учун жиддий чоралар кўрмаётир. Йиғилишда чиқиб сўзлаган коммунистлар эътиборни шунга жалб этдилар.

Колхозда бу йил пахтанинг ҳар гектарига тахминан 180, бир центнер пахта етиштириш учун эса 5-6 меҳнат куни сарфлангани сабабли пахтанинг ҳар гектаридан олинадиган даромад 13-14 минг сўмга, бир тонна пахтанинг таннархи 483 сўмга тўғри келди. Лекин олинган жунинг килоси 7 сўм 80 тийинга, чўчқа гўштининг килоси 5 сўм 70 тийинга, тухумнинг донаси 50 тийинга тўғри келди. Етиштирилган картошка, сабзавот, узумнинг, шунингдек тайёрланган ем-хашак ва силосининг таннархи ҳам анча ошиқ бўлди.

Колхозда кейинги йилларда катта ҳажмдаги хўжалик ва маданий-маиший қурилиш амалга оширилди. Колхоз правлениесининг янги бинои, ўн йиллик мактабнинг катта ҳашаматли бинои, касалхона, ҳаммом, электростанция, янги йўллар, колхозчиларнинг янги типда солинган ва электрлаштирилган ҳамда радиолаштирилган юзларча уйлари, кўкартирилган миллаб дарахтлар ва янгидан барпо этилган боғлар колхоз қишлоғининг ҳусниga-ҳусн қўшмоқда. Шу билан бир қаторда бу соҳада ҳали катта камчиликлар ҳам мавжуд.

Ўртоқ А. Раҳматовнинг кўрсатишича, колхознинг энг узоқ участкаси ҳисобланган 3-участкада яшовчи колхозчилар хонадонининг ярми шу вақтга қадар электрлаштирилмаган ва радиолаштирилмаган.

Коммунист ўртоқ Р. Ҳолмуҳамедов ўз сўзини келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирлаш масаласига бағишлади.

— Бу йил пахтадан мўл ҳосил олинишига, — деди у, — кўп жиҳатдан ўтган йили кузда пахта ерларининг барвақт ва сифатли шудгор қилиб қўйилгани сабаб бўлди. Келгуси йили пахтадан янада мўл ҳосил етиштиришимиз ва бунинг учун барча кузги-қишки тадбирларни кечиктирмай амалга оширишимиз лозим. Аммо бу соҳадаги ҳозирги аҳвол талабга тўла жавоб бермайди. Шунингдек ўртоқ Холмуҳамедов, КПСС аъзолари сонини илғорлар ҳисобига ўстиришга кам эътибор берганлиги учун партия бюросини қаттиқ танқид қилди.

Ҳисобот даврида фақат икки киши КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинган. КПСС сафини илғор хотин-қизлар ҳисобига ўстириш масаласи партия ташкилотининг эътиборидан четда қолаётир.

Ўртоқ З. Саидова ана шу ҳақда гапириб бундай деди:

— Партия ташкилоти ҳисобидаги 34 коммунистдан фақат 2 киши хотин-қизлардир. Бригадаларда, чорвачилик фермаларида фидокорона меҳнат қилаётган ва КПСС сафига қабул қилинишга лойиқ бўлган ўнлаб илғор хотин-қизлар бор. Афсуски, партия бюроси бу масала билан етарли шуғулланмаётир.

— КПСС XX съездидан кейин, — деди сўзини давом эттириб ўртоқ Саидова, — партия ташкилотларида партия ички демократиясини кенгайтириш, коллектив раҳбарлик принципига қатъий амал қилиш соҳасида олға томон катта қадам қўйилди. Буни бизнинг партия ташкилотимиз мисолида кўриш мумкин. Шунга қарамай, муҳим хўжалик ва сиёсий масалалар айрим ҳолларда тор доирада — партия бюроси ва правление аъзолари томонидан ҳал қилиб келинмоқда. Бу ишга оддий коммунистлар, бригада ва звено бошлиқлари, илғор колхозчилар ҳамон кам жалб этилаётир.

Йиғилишда коммунистлар лекция пропагандаси, сиёсий агитациянинг қўлами ва савияси ҳозирги юксак талабларга жавоб бермаслигини, уни янада жанговар ва мазмунли қилиш юзасидан партия ташкилоти зарур чоралар кўриши кераклигини талаб қилдилар.

Шуни айтиш керакки, район партия комитети ва унинг ташкилот бўлими партия ташкилотида ҳисоботсайлов йиғилишига яхши тайёрлик кўрилишини таъминламаган. Ҳисобот доклади йиғилишдан олдин колхоз партия бюро аъзолари томонидан муҳокама қилинмаган ва тўлдирилмаган. Шунинг учун ҳам у фақат ютуқларни қайд қилувчи ахборотдан иборат бўлиб қолган.

Йиғилишда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни янада яхшилаш, хўжаликни янада ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб қарор қабул қилинди.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Ҳар бир оиланинг газета ва журналларга ёзилишига эришайлик

Шу кунларда областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида 1957 йил учун газета ва журналларга обуна қилиш давом этмоқда. Областимизда марказий газета ва журналларни тарқатиш юзасидан белгиланган план муваффақиятли бажарилди. 10 декабргача аҳоли ўртасида обуна қилиш йўли билан ўтган йил 15 декабргача тарқатилганига нисбатан 7600 нусха марказий газета ва 17700 нусха марказий журнал кўп тарқатилди. «Правда», «Комсомольская правда», «Известия» газеталарига ва «Партийная жизнь» журналига обуна қилиш плани ноябрь ойидаёқ ошириб бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг янги «Агитатор» журнали айниқса катта муваффақият қозонди. Обуначиларнинг кўпчилиги бу журналга юксак баҳо бердилар ва унга иштиёқ билан ёзилмоқдалар.

Газета ва журналларга обуна қилиш областимизнинг айрим шаҳар ва районларида, айниқса муваффақиятли ўтказилмоқда. Жумладан, Олмалиқ шаҳрида марказий газеталар планда кўрсатилганидан икки баравар кўп миқдорда тарқатилди. Шунингдек, марказий газеталарга обуна қилиш плани Гулистон районида 148 процент, Бекобод шаҳри ва районида 141 процент, Ўрта Чирчиқ районида 150 процентга етказиб бажарилди.

Шуни айтиш керакки, бир қатор районларнинг алоқа конторалари марказий газета ва журналларга ёзилишни яхши ташкил этмаётирлар. Бунга мисол қилиб, Қорасув район алоқа конторасини кўрсатиш мумкин. Пойтахт атрофидаги бу йирик районда марказий газеталарни тарқатиш плани Оҳангарон районигагига нисбатан икки баравар кам, яъни фақат 57 процент бажарилган. Боёвут район алоқа конторасе (бошлиғи Ўртоқ Белобородов) ҳам марказий газета ва журналларни тарқатиш вазифасини уддалай олмади.

Область шаҳар ва районларида республика газета ҳамда журналларига, область газеталарига ёзилиш бир текисда бормаётир. Республика газета ва журналларини ҳамда область газеталарини Ўртасарой район алоқа конторасе (бошлиғи Кочетков, район ташкилотчиси Ким Ўртоқлар), Бўка район алоқа конторасе (бошлиғи Маляренко, район ташкилотчиси Якименко Ўртоқлар) бирмунча муваффақиятли тарқатмоқдалар. Жумладан, Бўка район алоқа конторасе обуна қилиш планини «Қизил Ўзбекистон» газетаси бўйича 111 процент, «Правда Востока» газетаси бўйича 100 процент, «Тошкент ҳақиқати» газетаси бўйича 108 процент ва «Ташкентская правда» газетаси бўйича 120,5 процент қилиб бажаришга муваффақ бўлди. Сирдарё ва Ўрта Чирчиқ районларида ҳам газеталарга обуна қилиш ана шундай яхши бормоқда.

Газета ва журналларга обуна қилишни муваффақиятли ўтказишда колхоз ва совхозлар, муассасаларнинг кўпгина жамоат вакиллари намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Куйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг жамоат вакили ўртоқ Ханнинг бу соҳадаги иши, айниқса мақташга сазовордир. У, партия ва комсомол активларининг ёрдами билан аҳоли ўртасида 45 минг сўмлик газета ва журналларга обуна тўплашга муваффақ бўлди.

Лекин умуман олганда область бўйича республика газета ва журналларига ҳамда область газеталарига обуна қилиш қониқарсиз борянти. Боёвут, Ҳовос районларида, шунингдек Чирчиқ шаҳрида республика газета ва журналларини ҳамда область газеталарини тарқатиш суръати жуда суст бораётир.

Чирчиқ шаҳрида (шаҳар алоқа конторасининг бошлиғи Гуцалов, шаҳар ташкилотчиси Могильникова Ўртоқлар) обуна қилиш плани «Қизил Ўзбекистон» газетаси бўйича 42,5 процент, «Правда Востока» газетаси бўйича 34,4 процент, «Ташкентская правда» ва «Тошкент ҳақиқати» газеталари бўйича эса фақат 29 процент миқдорида бажарилган.

Областнинг энг йирик районларидан бири ҳисобланган Боёвут районида газета ва журналларга обуна қилиш соҳасида территорияси ва аҳолисининг сони жиҳатидан бирмунча кичик бўлган Октябрь районидан кескин равишда орқада қолаётир. Октябрь районида 10 декабргача «Қизил Ўзбекистон» газетаси 968 нусха тарқатилгани ҳолда, Боёвут районида бу газетага ҳаммаси бўлиб 385 та обуна қилинган. Шунингдек, «Правда Востока», «Тошкент ҳақиқати» газеталарига обуна қилиш соҳасидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Бу газеталарга районда ҳаммаси бўлиб 295 обуна тўпланган. Бундан шу нарса кўриниб турибдики, Боёвут район партия комитети маҳаллий матбуотни тарқатишга етарли даражада эътибор бермаётир.

Хўш, шаҳар ва район газеталарига обуна қилиш қандай давом этмоқда? Шаҳар ва район партия комитетлари ўз органларига аҳоли ўртасида обуна тўплаш устидан бевосита контроллик олиб бораётган жойларда 10 декабргача шу шаҳар ва районларда чиқариладиган газеталарнинг бутун тиражи миқдорида обуна тўпланган. Юқори Чирчиқ ва Пискент районларида чиқарилаётган газеталарга обуна тўплаш соҳасида ана шундай яхши натижаларга эришилди.

Аммо шаҳар ва район партия комитетлари ўз босма органларининг аҳоли ўртасида обуна қилиш йўли билан тарқатилишини ўз ҳолига ташлаб ҳамда уни алоқа контораларининг ўзларига ишониб топшириб қўйган жойларда обуна қилиш суст ва қониқарсиз бормоқда. Жумладан, Чирчиқ шаҳар «Сталин байроғи» газетасига обуна қилиш плани 20,1 процент, «Сталинское знамя» газетасига обуна қилиш плани эса 46,4 процент бажарилган. Ҳовос, Чиноз ва Қорасув районларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Ҳовос район газетасига обуна қилиш плани 16,9 процент, Чиноз район газетасига обуна қилиш плани 37,5 процент ва Қорасув район газетасига обуна қилиш плани 44 процент бажарилганлиги шундан далолат беради.

Газета ва журналларга обуна қилишнинг бундай суст ва қониқарсиз давом эттирилишига ортиқча чидаб туриш мумкин эмас. Газета ва журналларни аҳоли ўртасида обуна қилиш йўли билан тарқатиш техник иш эмас, балки муҳим сиёсий кампаниядир. Газета ва журналларга обуна қилиш ҳамма жойда 25 декабрдан кечиктиридмай тўла тамомланиши зарур.

Вазифа — ҳар бир оиланинг газета ва журналларга ёзилишига эришишдан иборат. Бу вазифани ҳамма жойда тезроқ тамомлаш учун барча имкониятлардан фойдаланиб ҳаракат қилайлик.

Н. БАТРОВ.
«Союз печать» область бўлимининг бошлиғи.

Н. А. Островский

(Вафотига 20 йил тўлиши муносабати билан)

Н. А. Островский бор-йўғи 32 йил яшади. Аммо у шу қисқа вақт ичида гражданлар уруши фронтида жанг қилишга, янги социалистик ҳаёт қуришда қатнашишга, «Пўлат қандай тобланди» ва «Бўрон болалари» каби иккита ажойиб роман ёзишга улгиради. Островский Ленин комсомолининг содиқ фарзанди, ўзининг бутун кучини жонажон халқининг бахти учун курашишдек улуғ ишга бағишлаган пўлат иродали коммунист эди.

Николай Алексеевич Островский 1904 йил 29 сентябрда Водинск губернасининг Вилия қишлоғида ишчи оиласида дунёга келди. Островский кўп жонли оиланинг кенжа ўғли эди. У 6 ёшидан диний мактабда ўқий бошлайди. Бироқ оиладаги моддий муҳтожлик унга ўқишни давом эттириш имкониятини бермайди. Николай ўқишни ташлаб, ёшлик чоғиданоқ оила тирикчилигига ёрдам бера бошлайди. У буфетларда ўтин ёриш, станцияларда вагонлардан кўмир тушириш каби оғир ишларни бажаради. Меҳнат нақадар оғир ва машаққатли бўлишига қарамай, Островский бўш вақтларида зўр бериб китоб ўқиди. У болалик пайтидаёқ капиталистик эксплуатациянинг ҳамма разилликларини ва кулфатларини бошидан кечирди, бу ҳаётга нафрат билан қаради, норозилик билдирди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси кунларида Островскийлар оиласи Шепетовкада яшар эди. Бу пайтда Островский 13 ёшда эди. Аммо у ёш бўлишига қарамай, чинакам ҳаёт учун кураш оқимига қўшилиб кетганди. У Шепетовка большевиклари билан алоқа боғлайди ва Совет ҳокимиятини ўрнатишда уларга ёрдам беради. Шаҳарда ҳокимият тез-тез ўзгариб турарди. Немисларнинг ҳокимият тепасига чиққанларига 2-3 ҳафта бўлмасдан уларни петлюрачилар ағдариб ташлар эдилар. Орадан сал фурсат ўтмасдан ҳокимиятни яна қандайдир оқ бандитлар қўлга олардилар.

1919 йилда Островский ҳаётида шундай воқиа рўй берди: у кўчадан ўтиб борарди, бирдан шу вақт яширин революцион комитетнинг аъзоси Ф. Недерейчукни қуролли петлюрачи жандарм олиб бораётганини кўриб қолди. Николай сира ҳам иккиланмасдан жандармга ташланди. Большевик Недерейчук қочиб кетишга муваффақ бўлди, аммо Островскийни тутиб олишди. Уни яширин партия ташкилотини айтиб берасан деб роса қийнашди. Аммо у бир оғиз ҳам сўз айтмади.

1919 йил май ойида Шепетовка тепасида Советларнинг Қизил байроғи яна ҳилпирай бошлади. Тюрьмадан бўшаб чиққан Островский комсомол сафига киради. Шундан сўнг унинг революцион фаолияти яна ҳам авж олиб кетади. Кейинчалик Островский комсомол сафига кирган йилларини эслаб, бундай деган эди: «Биз комсомол билети билан бирга милтиқ ва икки юзтадан ўқ олган эдик. Партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлган биринчи комсомоллар ўз шуҳратларини сира ўчирмайдиган ишларни қилдилар».

Островский 14 ёшиданоқ гражданлар урушида иштирок этади, Украинада оқ гвардиячиларга қарши курашади. Биринчи отлиқ армия жангчиларининг сафларида қўлга қурол олиб, ўз халқининг бахти ва озодлиги учун бўлган жангларда қатнашади. Николай Алексеевич 1920 йил кузида Львов остонасида бўлган жангларда қаттиқ ярадор бўлади. Соғайгандан кейин Армия сафидан озод қилинади ва шундан сўнг ўзининг бутун куч-ғайратини мамлакатни тиклаш ишига сарфлайди. 1921 йилда Киев губерна комсомол комитети Островскийни жанубий-ғарбий темир йўлининг Бош мастерскойига ишга юборади. У бу ерда электро монтёр ёрдамчиси ва айни бир вақтда комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлайди. Островский бу ерда ёшларнинг ҳақиқий раҳбари бўла олишини кўрсатади. У ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўз билимини оширишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда электротехника мактабининг кечки электромеханика бўлимида ўқий бошлайди. Шу пайтда Островский қаттиқ касал бўлиб қолди. Эндигина 18 ёшга кирган, аммо соғлиги жуда ёмонлашган ёш йигитни медицина комиссияси инвалидликка чиқаришга қарор қилади. Бироқ Ватан ва халққа хизмат қилиш иштиёқи билан тўлиб-тошган Островский пенсия олишдан қатъиян бош тортади ва унга иш беришларини талаб қилиб Шепетовка округкомига мурожаат қилади. Уни район комсомол комитетининг секретари вазифасига юборишади.

Островскийнинг организми касалликдан ниҳоятда ёмонлашган эди. Фронтда орттирган жароҳат, тиф, бод ва бир қанча йиллар давомида дам олмасдан ёмғир ва қорли совуқ кунларда районма-район кезиб юриш организмга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Бемор Островскийни касалхонага юборишди. Ана шу вақтдан бошлаб унинг клиникадан клиникага, санаторийдан санаторийга кўчиб юриши бошланади.

Бироқ оғир касаллик ҳам, жисмоний заифлик ҳам коммунист Островскийнинг пўлат иродасини бука олмади. У яшаш учун, ҳаётга қайтиш учун курашди. Ёзувчи бу даврни (1925 йил) «Ҳаёт учун, сафга қайтиш учун кураш» даври деб атаган эди.

Илгариги соғлиқни қайтариб бўлмаслигини яхши тушунган Островский бошқа бир илож топишга ҳаракат қилди. У ҳаётга қайтиш учун ўлим билан юзма-юз олишиш билан бирга, ўз билимини ошириш билан ҳам шуғуллана бошлади. Ўзининг қаҳрамонликдан иборат бўлган ҳаёти ва гражданлар урушида иштирок этган ёш авлод тўғрисида китоб ёзишга тайёргарлик кўра бошлади. Шундай қилиб 1930 йилда Москвада, тамомила кўр бўлиб қолганига қарамай, оғир машаққатларни енгиб «Пўлат қандай тобланди» романини ёзишга киришади. Островскийдаги ажойиб хотира ва катта ирода кучи китобни ёзиб тамомлаш имконини берди. 1932 йилда «Молодая гвардия» журналида «Пўлат қандай тобланди» романи босилиб чиқади.

Бу романда Островский конкрет ҳужжатлар ва ўзининг ҳаётий тажрибалари асосида Октябрь революцияси жанглари ва гражданлар уруши фронтида янги совет кишиларининг туғилиши ва характерининг шаклланишини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Романнинг бош қаҳрамони Павел Корчагин 14 ёшида Болтиқ флотининг матроси, 1915 йилдан бери партия аъзоси бўлган Федор Жухрай билан учрашади. Зеҳни ўткир бу бола матросга ёқиб қолади. Федорнинг адолат учун курашга интилиши эса Павелга ёқиб қолади. Адолатлилик идеяси Павелнинг ҳаёт принципларидан бири эди. Павел ёшлигиданоқ дунёнинг икки қисмга бўлинганини: адолатлиликлар ва меҳнаткаш халққа адолатсиз муносабатда бўлувчилар дунёсини кўрди. Кейинчалик эса бу Павел учун сиёсий принцип ва ҳаёт воқиаларига қарашда асосий критерия бўлиб қолади. Павел ижтимоий адолат учун курашга ўзининг бутун ҳаётини бағишлайди. У ишчи ва деҳқонлар нуқтаи-назаридан адолатсиз бўлиб кўринган ҳамма нарсага қарши курашади. Корчагин капитализмнинг инсон фазилатларини таҳқирловчи мероси билан сира келиша олмас эди. У ёшлигиданоқ синфий кураш ўтида чиниқди ва меҳнаткашлар тарафида туриб, адолатсиз эски дунёга ўт очди.

Синфий кураш жангларида чиниқиб, оқ-қорани таниган Корчагин ишчи синфининг иродаси ва қаҳрамонлигини ўзида мужассамлантирган образ эди. Ўз ҳаётининг мақсад ва маъносини чуқур тушуниб боргани сари, унинг онгида социализм учун кураш идеяси шунчалик ўсиб боради. Павел ўзининг шахсий ҳаёти ва тор манфаатлари билан чегараланиб қолган мешчан бахтидан нафратланар эди. У ўз халқининг бахт-саодати учун курашувчи, ўзини шу халқнинг ҳақиқий фарзанди деб сезувчи инсон бахтининг тарафдори эди. «Инсон учун энг қимматли нарса — ҳаётдир,— дейди Павел Корчагин. — Инсонга у бир марта берилади, киши шундай яшаши керакки, самарасиз ўтган йилларга каттиқ ачиниб, сўнгра ўкинмасин, разил ва паст ўтмишнинг уяти юракни ёндирмасин, у ўлар экан: бутун кучим ва бутун умрим дунёда энг гўзал нарсага — кишиликни озод қилиш учун курашга берилган эди, дея олсин». Ана шу оташин сўзларга амал қилган Корчагин ўз ҳаётида ҳақиқий инсон бахтига ериша олди.

Корчагин ўзининг бутун хатти-ҳаракатларига Ватан олдидаги гражданлик бурчи нуқтаи-назаридан қарарди. Павел кишилар

Келгуси йил ҳосили учун ҳартомонлама пухта замин тайёрлайлик!

Бўка районидаги Каганович номли колхозда 1400 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан ошириб ҳосил олинди. Колхозда 1957 йил ҳосили учун пухта замин тайёрланмоқда, ер сифатли шудгор қилинаётир. Суратда: прицепщик А. Иброхимов ва тракторчи И. Рамозонов ўртоқлар ерни шудгор қилмоқдалар.

А. Аверянов фотоси.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Ерга кўплаб маҳаллий ўғит солайлик

Маҳаллий ўғитнинг тупроқ структурасини яхшилаши, уни доналар килиши ҳар бир деҳконга маълум. Мўл ҳосил етиштиришда ана шу шартларга амал қилаётган колхоз ва совхозларда пахтадан йил сайин юқори ҳосил етиштирилмоқда. Бу соҳада Оржоникидзе районидаги илғор колхозлар амалга ошираётган тадбирлар характерлидир. Бу райондаги кўпгина колхозлар пахта ҳосили йиғиб-териб олиниши билан кетма-кет далага маҳаллий ўғит чиқарадилар. Уни минерал ўғитларга аралаштириб шудгор олдидан ерга соладилар.

Райондаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида қилинаётган ишлар кўпчиликка намуна бўлдирлидир. Бу колхозда пахтачилик билан биргаликда чорвачилик ҳам ривожлантирилаётир. Чорвачилик фермаларида тўпланаётган маҳаллий ўғит ўз вақтида махсус чуқурларда тўпланади ва у ерда чиритилади. Шундан кейин далага чиқариб солинган ўғитнинг эффекти анча катта бўлади. Шу райондаги Маленков номли, Киров номли, Сталин номли колхозлар ҳам маҳаллий ўғитдан тўла фойдаланиб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини муттасил оширишга, бу билан коллектив хўжаликнинг экономикасини мустаҳкамлашга эришмоқдалар. Маҳаллий ўғит етарли миқдорда солинаётгани учун тупроқ ҳамма вақт унумдор бўлиб унда етарли даражада нам сақланмоқда. «Қизил Ўзбекистон» колхозида 1250 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 43 центнердан пахта ҳосили йиғиб олинганлигида маҳаллий ўғитнинг келтирган фойдаси айниқса каттадир.

Район колхозлари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, келгуси йилда пахта ҳосилини янада ошириш учун шу кунларда кўплаб маҳаллий ўғит тайёрламоқдалар ва уни шудгор олдидан ерга чиқариб солмоқдалар.

Лекин ҳосилни оширишда муҳим тадбирлардан бири бўлган маҳаллий ўғит жамғаришга ва уни ерга солишга айрим районларда етарли аҳамият берилмаётир. Ўрта Чирчиқ районида пахта ҳосили ўз қўшниси Ўртасарой районига нисбатан анча паст. Бунга райондаги кўпгина колхозларда ерга кам маҳаллий ўғит солинаётганлиги сабаб бўлаётир. Ерости сувлари бирмунча яқин турган Ўрта Чирчиқ райони шароитида маҳаллий ўғитдан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ўрта Чирчиқ районининг пахтакорлари шуни унутмасликлари керакки, агар улар ерга илғор пахтакорлар сингари яхши муносабатда бўлсалар, яъни ерни яхшилаб боқсалар пахта ҳосилини кескин ошира оладилар.

Далага маҳаллий ўғит чиқариш Оққўрғон, Чиноз, Бўка районларида ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Бу районларнинг раҳбарлари пахта тайёрлаш плани бажарилгандан кейин, келгуси йил мўл ҳосили тўғрисида етарли қайғирмаётирлар. Мўл ҳосил олишда асосий шартлардан бири бўлган маҳаллий ўғитни кўплаб тайёрлаш ва ерга чиқариб солиш тўғрисида колхоз раҳбарларига нисбатан талабчан бўлмаётирлар.

Ерга қанча кўп маҳаллий ўғит солинса ҳосил шунча ошади. Ҳозирги пайтда ҳар бир колхоз ва совхоз пахтакорининг асосий вазифаси барча имкониятлардан тўла фойдаланиб, кўпроқ маҳаллий ўғит жамғаришдан иборатдир.

Шудгорлаш илғорлари

Оққўрғон районидаги Сталин номли колхозда хизмат қилаётган 1-МТС механизаторлари ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, шудгорлаш ишларини кун сайин қизитмоқдалар. Тракторчилардан Т. Рустамов, А. Исотоев, Т. Саримсоқов каби ўртоқлар, айниқса юксак унум билан ишламоқдалар. Улар ДТ-54 маркали трактор билан кунига 6-7 гектар ерни сифатли шудгор қилмоқдалар. Механизаторлардан У. Отабеков, Н. Ҳамроев каби ўртоқлар ҳам ғўзапояни карчовка қилишни тез суръатлар билан ўтказмоқдалар. Натижада шу кунга қадар колхознинг 500 гектар ери шудгор қилинди.

Механизаторлар шудгорлаш юзасидан белгиланган планни янги йилгача ортиғи билан бажариш учун қурашиб, ўзаро социалистик мусобақа асосида ишламоқдалар.

Райондаги Куйбишев номли колхозда ҳам кузги ва қишки агротехника тадбирлари муваффақият билан амалга оширилмоқда. Колхознинг ўртоқ А. Отабеков бошлиқ бригада аъзолари 73 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топшириб, социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажарган эдилар. Йиғим-теримни ғоят уюшқоқлик билан ўтказган бригада аъзолари, мўл ҳосил гарови — шудгорлашда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Бригадада барча ер сифатли шудгор қилиб қўйилди, 1957 йилда янада мўл ҳосил етиштириш учун пухта замин яратилди.

Б. Арслонов, Т. Ўтамишов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам кузги шудгор плани 100 процент бажарилди.

Маълумки, пахта ҳосилдорлигини оширишда маҳаллий ўғитларнинг роли ниҳоятда катта. Шунинг учун ҳам бир группа колхозчилар фақат ўғит тўплаш ишлари билан шуғулланаётирлар. Бошқа колхозчилар ҳам фидокорона меҳнат қилиб, ариқларни тозалаш ва марзаларни текисламоқдалар.

М. КАНЗАФАРОВ,
З. БОЛТАЕВ.

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Мирзачўл группасидаги районларда кузги-қишки тадбирлар кечиктирилмоқда

Мирзачўл, Верхне-волинск районларидаги 1- МТСлар, Гулистон районидаги 2- МТС коллективлари пахтакорларга ҳамма вақт яхши хизмат кўрсатиш учун курашмоқдалар. Улар бу йил пахтадан мўл ҳосил олишда астойдил меҳнат қилдилар. Жумладан, Верхне-волинск районидаги 1-МТС зонасидаги колхозлар ҳар гектар ердан 26 центнер ўрнига 28,5 центнердан пахта йиғиб олдилар. Бошқа МТСларда ҳам шу хилда дурўст натижаларга эришилди. Шунинг учун колхозчилар ана шу МТС механизаторларидан миннатдорлар.

Ҳозирги энг муҳим вазифа қўлга киритилган ана шу ғалабаларни мустаҳкамлаб қолишдан иборат. Хўш, бу соҳада қандай ишлар олиб борилаётир? МТСлар раҳбарларининг гапига қараганда ҳозир бутун эътибор кузги шудгорни тез ва сифатли ўтказишга қаратилган. Улар кузги шудгорнинг аҳамияти ҳақида офаризм бўлиб кетган гапларни қайта-қайта таъкидламоқдалар: «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда», «Кузги шудгор — келгуси йил мўл ҳосили учун гаровдир», «Бу ишга ғалаба ҳаримизни мустаҳкамлашда кузги шудгорнинг роли ғоят катта» ва ҳоказо ва ҳоказолар.

Бу гаплар кишини қувонтиради. Аммо МТСлардаги ҳақиқий аҳвол, афсуски яхши эмас. Тўғри, бу МТСларда ўз сўзларига амал қилиб шу кунларда фидокорона ишлаётган механизаторлар кўп. Масалан, Мирзачўл районидаги «Ленинизм» колхозида кузги шудгор плани 90 процент бажарилипти. Шу колхозда хизмат қилаётган 1-МТСнинг Ғани Содиқов бошлиқ трактор бригадаси ўз мажбуриятини бажариш учун астойдил курашиб, социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Ворошилов номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Холбой Қорабоев бошлиқ трактор бригада аъзолари ҳам кузги шудгор планини 75 процентга етказиб адо этдилар. Тракторчи Нажмиддин Муллабоев 11 кунда 118 гектар, унинг сменачиси Абдуғани Каримов 110 гектар ер ҳайдади. Жданов номли колхозда ишлаётган тракторчи Андрей Бова 11 кунда 115, унинг сменачиси Турдиборий Абдуқаҳҳоров 90 гектар ерни шудгор қилди. Умуман бу МТСда 10 дан ошиқ тракторчи кунлик топшириқни тўла ва ошириб адо этмоқда. Улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажармоқдалар.

Бундай илғор механизаторларни бошқа МТСларда ҳам учратдик. Верхне-волинск районидаги 1-МТСнинг Шверник номли, «Победа», «Қизил Октябрь» колхозларида хизмат қилаётган азамат механизаторлари Ўртасида меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган, тракторларнинг кеча-кундуз тўхтовсиз ишлаши таъминланган.

Афсуски, ҳамма жойда иш шу хилда уюштирилмаган. Тракторларнинг кеча-кундуз бетўхтов ишлаши таъминланмаган. Трактор парклари тўла қувват билан ишлаётгани йўқ. Кўп жойларда ютуқлар олдида эсанкираш қайфияти сезилиб турипти. Бу ерларда ишдан кўра тантанали гаплар кўпроқ эшитилмоқда.

Биз Гулистон районидаги Хрушчев номли колхознинг Киров каналига туташган ерларида ишлаётган тракторчилар билан гаплашиб қолдик. 13-сон ДТ-54 тракторини ҳайдаб келаётган йигит Юсуф Ҳамдиев карта четига келиб тўхтади. Биз унинг ҳайдаётган ерини кўздан кечирганимизда, чуқурлиги 15-20 сантиметрдан ошмади. Маълум бўлишича тракторчи ейилиб ишдан чиқиб қолган тиш билан ер ҳайлай берган, янги тиш бўлгани ҳолда алмаштирмаган. Бу ерда тракторчи йўқлиги учун иш икки сменада ташкил этилмаган. Бунинг устига 2 кун илгари Ҳамдиев плугатор Нишон деган йигитга тракторни ташлаб ўзи уйига кетиб қолган, плугатор эса ер ҳайдайман деб, тракторни зовурга тушириб юборган.

Иш шу хилда ташкил этилгани учун Ҳамдиев 13 кунда нормадаги 130 ўрнига 53 гектар ер ҳайдапти. Шу колхоздаги 35-сон ДТ-54 трактори плугатор бўлмагани учун анча вақт тўхтаб турган.

Ўртоқ Кипиш директорлик қилаётган бу МТСда 26 та ҳайдов трактори бор, ҳозир шундан кўп деганда 17 таси ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири билан суткада 10 гектар ер ҳайдаш ўрнига, 7-7,5 гектар ҳайдалапти. Баъзи тракторлар ҳалитдан МТСга қайтариб олиб келинган. Пушкин номли, Свердлов номли, Хрушчев номли колхозлардан биттадан трактор МТСга қайтариб юборилган, баъзи тракторлар МТС устахонасида 4-5 ойдан бери ремонтдан чиқарилмай турипти.

МТС хизмат қиладиган Хрушчев номли, Калинин номли, Пушкин номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» сингари бир қатор колхозларда тракторлар фақат бир сменада ишлаяпти. Шунинг учун ҳам кузги шудгорнинг суръати жуда паст. Бир кунда 200 гектар ўрнига 113-125 гектар ер ҳайдалапти.

Бу хилдаги аҳволни Мирзачўл районидаги 1-МТС зонасида ҳам кўриш мумкин. Бу МТСда ҳалигача 4 та ҳайдов трактори ремонтдан чиқарилмаган. «Чорвадор», Будённий номли колхозларда кузги шудгор айниқса суст бораётир.

Яқинда Верхне-волинск районида МТС ва колхоз раҳбарларининг йиғилиши бўлди. Мажлис охирида шудгор масаласи ҳам, колхозларда ўтказилиши лозим бўлган кузги-қишки тадбирлар ҳам муҳокама қилинди. Мажлисда колхоз раҳбарлари МТС раҳбарларини, МТС раҳбарлари эса колхоз раҳбарларини танқид қилдилар, МТС раҳбарлари баъзи колхоз раҳбарлари кузги шудгорни унутиб қўйганлар, улар тўйма-тўй юриптилар, улоқ чопмоқдалар, «Поторларнинг ҳарбири бир суткада ўрта ҳисобда 1,2 гектардан ер ҳайдапти. Бу қандай ғаф ахир! Бу билан қачон иш битади? деб ҳақиқий аҳволни очиб ташлади.

Мажлисда ўтирганлардан яна бир киши ҳуноб бўлган ҳолда гапира бошлади.

— Биз МТС раҳбарларига тушуна олмай қолдик. 2- МТСда керосин йўқлиги учун бир қанча тракторлар 4 кундан бери ишламай турипти.

2-МТС ҳақидаги танқидий фикрлар жуда тўғри. Кузги шудгорнинг аҳамияти ҳақида ҳамиша лоф уриб гапирадиган бу МТСнинг раҳбарлари ҳозирги пайтда кузги шудгор ишига ўтакетган даражада масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Натижада шу кунгача МТС зонасидаги колхозларда 6100 гектар ўрнига бор-йўғи 2200 гектар ер шудгор қилинган! Бу фактлар биз бўлган МТСларда берилган тантанали ваъдалар, ишни қойил қилиб ташлаймиз, деган гаплар амалий иш билан мустаҳкамланмаётганлигини кўрсатади.

Мирзачўл ерлари шароитида келгуси йил мўл ҳосили учун фақат кузги шудгор қилиб қўйишгина кифоя қилмайди. Шу билан бирга ернинг шўрини ювиш, тупроқда нам сақлаш мақсадида яхоб бериш ишларини ташкил этиш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ҳозир колхозларда суғориш тармоқларини, майда ариқ-зовурларни тозалаш энг муҳим тадбирлардандир. Бироқ бу ишга биз кўрган МТС зоналаридаги колхозларда мутлақо аҳамият берилмаётир.

Гулистон районидаги колхозларда бу йил қўл билан 24 минг кубометр ҳажмида ариқ-зовур тозалаш, бу иш 5 январгача тамомланиши, 5 минг гектар шўр ернинг ювилиши, анчагина ерга яхоб берилиши лозим. Лекин район ишлаб чиқариш участкаси ҳам, район ижроия комитети ҳам бу планни ҳалигача колхозларга маълум қилмаган.

Верхне-волинск районидаги колхозларда ҳам бу йил 5819 гектар ернинг шўри ювилиши, 27 минг кубометр ариқ-зовурлар тозаланиши зарур. Бу нарса районлаги колхоз раҳбарларига маълум бўлса ҳам, бу иш шу пайтгача бошланмаган. Маленков номли, Энгельс номли колхозларнинг деярлик 60 процент ери шўрҳоқ. Шунга қарамай, ерларни ювиш учун ҳалигача пол ҳам олинмаган. Ариқларда етарли миқдорда сув оқиб ётгани ҳолда ундан фойдаланилмаяпти.

Шудгор қилиш, шўр ерларни ювиш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари орқага сурилиб юборилаяпти, Мирзачўл, Гулистон, Верхне-волинск районларида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаймиз, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаймиз, деган тантанали гаплар жуда кўп эшитилаётган бўлса ҳам, амалда сезиларли иш қилинмаётир. Ғалабалар қуруқ ваъдалар билан мустаҳкамланмайди. Келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тантанали гаплар билан вужудга келмайди. Ваъдага яраша ишлаш, ҳаракат қилиш, юз берган камчиликларни тезда бартараф қилиш керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

План тўлди, пахта тоғ бўлди,
Бироқ кўплар сердумоғ бўлди.

Дала ишин ҳеч ўйламасдан,
Қилган иш тўй-улоғ бўлди.

Н. Воробейчиков чизган сурат.

Чорва моллари маҳсулдорлиги тобора ортмоқда

Калинин районидаги Молотов номли колхоз чорвадорлари чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш соҳасида бу йил бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Фермадаги 123 бош сигирнинг ҳар биридан шу кунга қадар 1650 литрдан сут соғиб олинди. Илғор сут соғувчилардан Меҳри Бекова, З. Маҳкамова, М. Маҳмудова, С. Назаровалар ўзларига бириктирилган ҳар бир сигирдан кунига 20-25 литрдан сут соғиб олишга муваффақ бўлмоқдалар. Колхоз чорвадорлари бу ютуқларга сигирларга бериладиган озуқаларнинг турини кўпайтириш, молларни маълум бир режим асосида парвариш қилиш туфайли эришаётирлар. Ҳар бир сигир кунига ўрта ҳисоб билан 20 килограмм барда, 12 килограмм лавлаги, 6 килограмм шелуҳа, 16 килограмм беда ва бошқа озуқалар билан боқилаётир.

Соғин сигирларнинг маҳсулдорлигини оширишда силос катта роль ўйнаётир. Буни ҳисобга олган колхоз чорвадорлари бу йил 1 минг 200 тонна силос бостирдилар. Бундан ташқари 1250 тонна беда, 46 тонна шелуха ва 50 тонна пичан тайёрланди. Бу тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги чорва моллари қишловини муваффақият билан ўтказиш имкониятини бермоқда.

Колхозда янгидан чорва бинолари қуришга катта эътибор берилмоқда. Бу йил 100 бош сигир сиғадиган типовой молхона, чўчқахона ва тонуқхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Сут-товар фермаси эса автодоилка, автопоилка каби зарур асбоблар билан механизациялаштирилди.

Шунингдек, Қорасув районидаги Жданов номли колхозда ҳам чорвачилик йилдан-йилга ривожланмоқда.

Т. ЯЙЛАВОВ.

Чорвачиликни ривожлантиришга эътиборсизлик билан қарамоқдалар

Октябрь районидаги Охунбобоев номли колхозда чорвачиликни ҳар тарафлама ривожлантиришга эътибор берилмаётир. Колхозда чорва моллари қишловига пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги учун ем-ҳашак танқислиги рўй бермоқда.

— Менинг боқимимда 37 сигир бор — йўлдан, колхоз фермасининг сут соғувчиси ўртоқ С. Бобожонова. Аммо соғилаётган 20 сигирнинг ҳарбиридан кунига ўрта ҳисоб билан 1,5-2 литрдан сут соғиб олинаётир. Бунга сабаб шуки, сигирларни парвариш қилиш соҳасидаги кўп ишлар қўлда бажарилмоқда. Бунинг устига сигирлар етарли миқдорда ем-ҳашак билан таъмин этилмаётир.

Ўртоқ Бобожоновнинг ачиниб ғапираётганлигининг сабаби бор. Колхозда 300 тонна силос бостириш планлаштирилган бўлса, атиги 150 тонна силос тайёрланди. Ўтган йили қурилабошлаган 90 бош сигир сиғадиган молхона эса ҳалигача битказилиб ишга туширилгани йўқ.

Оҳангарон яйловларида колхозчорвадорлари бу йил 1 минг 200 тонна силос бостирдилар. Бундан ташқари 1250 тонна беда, 46 тонна шелуха ва 50 тонна пичан тайёрланди. Бу тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги чорва моллари қишловини муваффақият билан ўтказиш имкониятини бермоқда.

Колхозда янгидан чорва бинолари қуришга катта эътибор берилмоқда. Бу йил 100 бош сигир сиғадиган типовой молхона, чўчқахона ва тонуқхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Сут-товар фермаси эса автодоилка, автопоилка каби зарур асбоблар билан механизациялаштирилди.

Шунингдек, Қорасув районидаги Жданов номли колхозда ҳам чорвачилик йилдан-йилга ривожланмоқда.

Т. ЯЙЛАВОВ.

Сут топшириш плани ортиғи билан бажарилди

Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхозининг аъзолари пахтачилик билан бирқаторда чорвачиликни ҳам ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. Ўтган йили колхозда чорва моллари етарли равишда ем-ҳашак билан таъминланмаганлиги, шунингдек уларни парвариш қилишда зоотехника қоидаларига тўлиқ риоя қилинмаганлиги туфайли ҳарбир сигирдан атиги 900 литрдан сут соғиб олинган эди. Колхоз чорвадорлари бу йил ўтган йилги камчиликларнинг қайтарилишига йўл қўймаслик учун қатор тадбирларни амалга оширдилар. Маккажўхори ва бошқа экинлар орасидан бирнеча юз тонна силос бостирилди, кўп миқдорда ҳашак тайёрланди. Асосий ишлар механизациялаштирилди. Бу каби тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида чорва моллари маҳсулдорлиги кескин суратда ошди. Бу йил фермадаги 188 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 1200 литрдан сут соғиб олиниб, давлатга сут топшириш плани ортиғи билан бажарилди.

К. ИРИСМЕТОВ.

Янги боғ ва токзорлар яратилмоқда

Тошкент районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари боғдорчиликни янада ривожлантириш учун ҳаракат қилиб, мевали дарахтларни кўпайтириш, узумчиликни ривожлантириш мақсадида кўпгина ишлар қилдилар. Ўтган йилнинг кузи ва шу йилнинг баҳорида колхознинг 5 гектарлик боғ ва 4 гектар токзорини қайта тиклаш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Натижада колхоз бу йилги мавсумда ана шу узумзорларда мўл ҳосил етиштирди ва 220 000 сўм даромад олди. Колхоз правлениеси шу йилнинг кузи ва келаси йилнинг баҳорида колхоздаги мевали дарахтлар ва токзорларни 24 гектарга кенгайтиришга қарор қилиб бир қанча ишлар қилди. Жумладан шу йилнинг баҳорида ўтқазилган бир неча туп лимон, апельсин, мандарин каби цитрус ўсимликлари махсус траншея ва парникларда муваффақият билан ўстирилмоқда.

Боғдорчилик бригадасининг аъзолари 22 ноябрда токларни кўмиш ишини муваффақият билан тамомлаган эдилар. Ҳозир олма, ўрик, анжир, анор каби дарахт кўчатларини ўтқазиш учун ерлар ҳозирланиб, токзорларни янада кенгайтириш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда. Академик Шредер номидаги мева резавор ўсимликлари институти ҳамда Госплодопитомникдан колхоз кўплаб кўчатлар сотиб олди. Бу кўчатларни ўтқазиш ишига колхоз агрономи Ўртоқ Сирожиддин Шукуров раҳбарлик қилмоқда. Боғдорчилик бригадасининг аъзолари кузги суғориш, парвариш қилиш, ўғитлаш, дарахт атрофларини беғона ўтлардан тозалаш ишларини ҳам кучайтириб юбордилар. Колхоз аъзолари мевали дарахтлар ва токзорлардан олинадиган ҳосилни муттасил ошира боришни кўзда тутиб майдон атрофларига иҳота дарахтлари ўтқазишни ҳам планлаштирган эдилар. Ҳозир тол, терак, тут каби тез ўсувчан дарахтлардан ўрмон полосалари вужудга келтириш учун қатор тадбирлар амалга оширилаётир.

К. ОРИФХОНОВ.

Қардош республика узумчиларининг дўстлиги

Тошкент темир йўлининг Кауфманская станциясидан навбатдаги 12 вагон ток каламчалари Қрим областидаги Азов райони колхозларига адресига жўнатилди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик артеллари ток каламчаларини айирбошлаш тажрибасини кенг қўлланмоқдалар. Самарқанд, Андижон, Наманган ва Тошкент областларининг ўзидангина шу йилнинг ўзида Қрим колхозларига етти миллион дона ток каламчаси жўнатилди. Украина, Армания, Молдавия ва мамлакатнинг бошқа республикалари хўжаликларида Ўзбекистон майизи ва узумларининг қишмиш сортларини, «нимранг», «паркентский розовий» ва бошқа сортларини учратиш мумкин. Бу узумлар ўзларининг юқори мазали сифатлари билан машҳурлир.

Қардош республикаларнинг колхозлари ўз навбатида Ўзбекистонга узумларнинг саноат учун катта аҳамиятга эга бўлган Европа сортларидаги ток каламчаларини юбориб турадилар. Масалан, Тошкент областининг қишлоқ хўжалик артеллари Қримдан ва Кавказдан мускат сорт узумининг ток каламчаларини олдилар.

(ЎзТАГ).

Колхоз ёрдам кассаси

Қорасув районидаги Свердлов номли колхозда ўзаро ёрдам кассаси ташкил қилинган эди. Ўзаро ёрдам кассанинг пул даромади йил сайин ортиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида ёрдам кассага 30 минг сўмга яқин пул тўпланди.

Колхозчилар бу пулдан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланмоқдалар. Айниқса ишга яроқсиз ва кексайиб қолган колхозчиларга яқиндан ёрдам берилаётир. С. Шокирова, Ў. Турсунова, Т. Холтаев каби кўпгина колхозчиларга кейинги икки йил ичида етти минг сўмга яқин ёрдам пули берилди.

Колхозда ташкил қилинган ўзаро ёрдам кассаси колхозчилар хўжалигини мустаҳкамлашда, айниқса уларнинг уй-жой бинолари қуриб олишларида ҳам катта ёрдам бермоқда.

Я. МОРДУХАЕВ.





Суратларда: 1. Мирзачўлдаги 58-Разъезд яқинида республика аҳамиятидаги автомобиль транспорти ва тошйўллар министрлигига қарашли 56-автобаза қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда. 2. Юқори Чирчиқ районида машина-трактор станциясининг янги типовой биноси қурилиши тамомланмоқда. МТС цехларига янги ускуналар ўрнатилмоқда.

В. Новиков ва Б. Пун фотолари (ЎзТАГ фотохроникаси).



Польша Халқ Республикаси. Новой Гутдаги В. И. Ленин номли металлургия комбинатида ишлаб чиқариш объектларининг қурилиши давом этмоқда. Бу ерда учинчи домна печининг қурилиши муваффақият билан олиб борилмоқда. Шу кунларда монтажчилар учинчи домнага конвейер ўрнатмоқдалар. **Суратда:** конвейерни монтаж қилиш пайти.

Польша Марказий фото агентлигининг фотоси.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИ

ПРАГА, 19 декабрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Чехословакия Республикаси Миллат мажлисининг 15-сессияси очилди.

Сессияда прокуратура тўғрисидаги, жиноят-процессуал кодекси ҳақидаги қонунларнинг проектлари, шунингдек суд тузилиши ва жиноят кодекси тўғрисидаги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Докладлар юзасидан музокаралар-да Юстиция министри депутат В. Шкода, республиканинг бош прокурори депутат Я. Бартушка, депутат Я. Крофта ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Сессия Миллат мажлиси қарамоғига тақдим этилган қонун проектларини тасдиқлади. Бу қонунлар гражданларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга ва судларнинг тарбиявий ролини оширишга қаратилган.

ВЕНГРИЯДА АҲВОЛ

БУДАПЕШТ, 19 декабрь. (ТАСС). Будапештда жамоат транспортининг иши кун сайин яхшиланмоқда. Ҳозирги вақтда 1200 гача трамвай вагони линияга чиқиб турибди, бу эса қуролли исёндан илгари шаҳарда қатнаб турган ҳамма вагонларнинг тахминан 80 процентини ташкил этади. Шаҳарнинг 34 та линиясида 900 дан кўп автобус қатнамоқда. Шаҳар атрофидаги темир йўл транспортининг иши тўла равишда йўлга солинган, бу эса жуда катта аҳамиятга эга, чунки кўп ишчилар Будапешт атрофида яшайди. Шаҳар атрофидаги линияларнинг ҳаммасида темир йўл поездлари узлуксиз, жадвал бўйича қатнаб турибди.

Саноат корхоналарида, шу жумладан кўмир ва металлургия саноатида ишлаб чиқариш катта қийинчиликлар билан, аммо қатъий равишда тикланмоқда. Чепель металлургия комбинатининг ишчилари юксак даражада онглилик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Бу комбинатнинг кўпгина заводлари тайёр маҳсулот чиқаришни кундан-кунга кўпайтирмоқдалар.

Кўмир чиқариш кўпайтирилмоқда. Татабань кўмир трестининг шахталари икки сменада ишлай бошладилар. Бу ерда кўмир қазиб чиқаришда ҳозирдаёқ 4 мингдан кўп шахтёр ишламоқда.

Хабар берилишича, Будапештни чет мамлакатларнинг пойтахтлари ва катта шаҳарлари билан боғлайдиган трассаларда бугундан бошлаб мунтазам ҳаво алоқаси тикланади.

«ВЕНГРИЯДАГИ ОКТЯБРЬ ВОҚИАЛАРИДА КОНТРРЕВОЛЮЦИОН КУЧЛАР»

(Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Совети информация бюроси нашр этган Оқ китобнинг биринчи қисми).

Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг информация бюроси «Венгриядаги октябрь воқиаларида контрреволюцион кучлар» деган ном остида яқинда Оқ китоб эълон қилган эди. Чет эл адабиёти нашриёти шу Оқ китобнинг биринчи қисмини рус тилида нашр қилди.

Китобнинг кириш қисмида контрреволюцион исён тактикасининг ҳамда халқаро реакция томонидан йўлланган контрреволюционерлар қилган ишларнинг асосий характерли белгилари кўрсатиб ўтилади. Контрреволюциянинг қора кучлари ўтмишнинг оғир ҳатоларини тузатиш учун ва халқ-демократик тузуми асосларини мустаҳкамлаш учун бошланган ҳаракатдан халқ ҳокимиятини ағдариш, мамлакатда буржуа-помещиклар тузумини тиклаш мақсадида фойдаланишга аввал бошданоқ уриндилар.

Оқ китобда эълон қилинган ҳужжатлар Венгриядаги контрреволюцион исён пухта тайёрланганлигини кўрсатади. Фожиали воқиаларни ўз кўзи билан кўрган ва шу воқиаларда қатнашган кишиларнинг айтиб берган гаплари бу қонли авантюрани уюштирган империалистик ташкилотчилар хортичи — фашист каллакесарлар ва қотиллардан венгер халқига қарши фойдаланганликларини кўрсатади. Фашистларнинг коммунистлардан, венгер ватанпарварларидан ваҳшиёна ўч олганликлари жуда кўп фотографияларда акс эттирилган. Бу даҳшатли ҳужжатлар гитлерчиларнинг ўзлари босиб олган мамлакатларда қилган террорларини ва ўша муҳиш вақтларни эсга туширади. (ТАСС).

БМТ Бош Ассамблеясининг XI сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 19 декабрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг кеча кундузги ялпи мажлисида Латин Америкаси мамлакатлари ва Испаниянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши составини ва бошқа асосий органларининг составини кенгайтириш тўғрисидаги таклифи муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини ўзгартириш масаласини муҳокама қилишни давом эттирди.

Албания, Украина ССР ва Румния вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига роя қилиш зарурлигини ва биринчи навбатда, Уставнинг энг қўпол равишда бузилганлигига хотима бериб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг ҳуқуқларини тиклаш зарурлигини ўз нутқларида уқтириб ўтдилар.

Албания вакили Штюла дедики, бир қанча мамлакатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг асосий қоидаларини зўр бериб бузиб турганликлари сабабли, уни ўзгартириш тўғрисида гапириш қийин бир нарсадир. Масалан, АҚШ ва бошқа баъзи мамлакатлар Мўғулистон Халқ Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилишга розилик беришдан бош тортмоқдалар. Хавфсизлик Кенгашида Шарқий Европа мамлакатларига тегишли бўлган ўринга Филиппининг сайланганлиги ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини ва Лондон битимини бузишнинг ўзгинасидир. Ниҳоят, деди Албания вакили, АҚШ ва бошқа баъзи мамлакатлар улуғ Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқларини эътироф қилишдан бош тортаётганликларига қандай қилиб индамай қараб туриш мумкин? Фақат битта Хитой бор. Бу — Хитой Халқ Республикасидир. Шунинг учун ҳам Хитой Халқ Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида вакиллик қилиши лозим.

Украина ССР вакили Л. Ф. Паламарчук дедики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ишини ва унинг органларини самарали қилиш Уставдаги у ёки бу қоидаларни қайта кўриб чиқишга боғлиқ эмас, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамма аъзоларининг Уставга роя қилишларига боғлиқдир. Шу муносабат билан Украина делегати Хавфсизлик Кенгашидаги жойларни географик нуқтаи назаридан адолатли тақсимлаш принципи кўпол равишда бузилганлигига, Шарқий Европа мамлакатларига нисбатан шундай қилинганлигига тўхталиб ўтди.

Л. Ф. Паламарчук дедики, янги аъзолар қабул қилинганлиги сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти анча самарали ишлаш имкониятига эга бўлди, аммо бунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамма аъзолари Устав принципларига тўла мувофиқ равишда, чинакам халқаро ҳамкорлик манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишлари шарт, албатта. Модомики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 20 та янги давлатни қабул қилишда камситиш сиёсатига йўл қўймаган экан, Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тиклашга нисбатан бу сиёсатни сақлаб қолишнинг нима ҳожати бор?

Л. Ф. Паламарчук дедики, модомики Хитой Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан четда турар экан, модомики Хавфсизлик Кенгашида унинг ўрнини Хитойнинг оккупация қилиниб ётган Тайвань оролидан келган ва ҳеч кимнинг вакили бўлмаган шахслар эгаллаб турар экан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва унинг асосий органи бўлган Хавфсизлик Кенгашида ҳеч қандай мувозанат тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Румния вакили Маурер ҳам, Хитой Халқ Республикасига Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ва Хавфсизлик Кенгашидаги ўзининг қонуний ўрни берилган тақдирдагина ва Хавфсизлик Кенгашидаги ўринларни географик нуқтаи назардан адолатли тақсимлаш принципи тикланган тақдирдагина, фақат шу тақдирдагина Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзолари сонини кўпайтириш мумкин эканлигини уқтириб ўтди. Латин Америкаси мамлакатларининг ва Испаниянинг резолюция проекти бу жиҳатдан ҳеч қандай гарантия бермаганлиги сабабли, Румния Халқ Республикасининг делегацияси бу проектга қарши овоз беради.

Югославия делегати Нинчич, гарчи Югославия делегацияси Хавфсизлик Кенгаши составини кенгайтиришга принцип эътибори билан тарафдор бўлса ҳам, аммо бу масалани тагин ҳам муфассалроқ ва эътибор бериб кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблайди. Югославия делегати Уставни ўзгартириш масаласини ҳамда Хавфсизлик Кенгаши составини кенгайтириш масаласини ҳал қилишда шошиш керак эмас, деди.

АҚШ, Англия, Австралия ва Канада вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини ўзгартириш тўғрисидаги резолюция проектини қувватлаб чиқдилар.

Кундузги мажлиснинг охирида Франция вакили Валери Дъэстэнг сўз олиб, Миср ҳукуматини «Миср-да яшаб турган француз гражданларини кўчириб юбориш ва уларнинг мол-мулкини мусодара қилиш» бўйича «систематик кампания» олиб бораётир, деб айблади. Мисрга хоинона ҳужум қилган мамлакат вакилининг, Миср ҳукумати халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини «бузди» ва Бош Ассамблеянинг Миср масаласидаги резолюциясини амалга оширишга тўсқинлик қилди, деб айтган сўзлари жуда галати бўлиб эшитилди. Франция делегати Мисрнинг бу ҳаракатлари «қоралансин» деди.

Сўнгра Англия вакили Диксон сўзга чиқиб, Мисрда Англия гражданлари «таъқиб қилинаётганлиги» ҳақида гапирди ва у ҳам ўз шериги француз делегати қўйган талабларни қўйди.

Миср, Судан, Сурия ва Ироқ делегатлари агрессор мамлакатларнинг вакилларига кескин зарба бердилар. Англия билан Франциянинг ўзи, деди Миср вакили Лутфий, Сувайш каналининг ишлаши учун мушкуллиқ туғдиришга интилиб, ўз гражданларини эвакуация қила бошлаганликларини эслатиб ўтмоқчи эдим. Бироқ, Англия ва Франциянинг Мисрга қарши қилган агрессияси муваффақиятсизликка учраганлиги сабабли, ҳозирги кунда Англия билан Франция Миср ҳукумати халқаро ҳуқуқни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини «бузди» деб даъво қилиб, сиёсий ютуққа эришишга уринмоқдалар. Уларнинг бу даъволари бутунлай асоссиздир. Француз гражданларидан бирортаси ҳам назорат остига олингани йўқ, уларни ҳеч ким қувғин қилгани йўқ.

Миср вакили, Миср ҳукумати агрессор мамлакатларнинг гражданларига тегишли мулкни бердирмай қўйиш билан ўзининг қонуний суверен ҳуқуқларини амалга оширганлигини айтиб ўтди. Миср делегати Англия ва Франция ҳукуматлари ўз мамлакатларидаги Миср фондларини шу йилнинг июль ойидаёқ ўзбошимчалик билан бердирмай қўйганликларини Англия ва Франция вакилларига эслатиб ўтди. Ваҳоланки, ўша вақтда мазкур мамлакатлар билан Миср ўртасидаги муносабатлар нормал равишда бормоқда эди. Франция билан Англия, деди пиравардида Миср вакили, Миср халқига қарши ўзларининг қонди агрессия қилганликларини Мисрнинг тинч шаҳарларини бомбардировка қилиб, унинг тинч аҳолисини ўлдирганликларини тез унутиб қўйганга ўхшайдилар. Лутфий, агрессор мамлакатларнинг вакиллари ҳеч бир уялмай, Миср халқаро ҳуқуқни «бузди» деб Бирлашган Миллатлар Ташкилотида гапиришга журъат қилаётганликлари мени таажжублантиради, деб айтди.

Судан, Сурия ва Ироқ вакиллари Мисрни қувватлаб чиқдилар.

СССР вакили В. В. Кузнецов мажлисни олиб бориш тартиби тўғрисида сўзга чиқиб, муҳокама қилинаётган масаланинг муҳимлигини айтди ва масалани муҳокама қилишни эртага кўчиришни таклиф қилди.

АҚШ делегати Уодсворт Франция ва Англия вакиллари кўтариб чиққан масаланинг муҳокама қилиниши интервенциячиларга қарши тус олаётганлигини кўриб, уларга ёрдамлашмоқчи бўлди. У дискуссияни чала қолдирмоқчи бўлиб, дискуссияни шу мажлисда тамомлашни таклиф қилди. Бироқ, бу уриниш муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзолари сонини кўпайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини ўзгартириш масаласи кўриб чиқилганидан кейин бу масалани муҳокама қилишни эртаги кунга кўчиришга қарор қилинди.

МИСР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ СЕКРЕТАРИГА МАКТУБИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 декабрь. (ТАСС). Миср ташқи ишлар министрининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарига 17 декабрда юборган мактубида бундай дейилади:

«Порт-Саиддаги инглиз-француз қуролли кучлари шаҳар аҳолисига қарши ўзларининг шафқатсизлик килишларини давом эттирмоқдалар. Жумладан, кейинги 36 соат ичида улар камида 30 кишини ўлдирдилар ва кўп кишини яралар қилдилар; араб маҳаллаларини қуршаб олиб, ҳамма уйларни тинтиб чиқдилар; кўп кишиларни қамоққа олдилар; чекиниб бораётганларида мол-мулк ва автомобилларни ўзлари билан олиб кетдилар.

Миср ҳукумати Франция ва Бирлашган Короллик ҳукуматлари жангларни тўхтатиш тўғрисидаги битимни қўпол равишда бузишдан иборат бўлган мана шу ҳаракатларнинг ҳаммаси учун жавобгардирлар ва бунга дарҳол чек қўйишлари лозим, деб ҳисоблайди».

Миср ташқи ишлар министри Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига қуйидаги фактларни ёзиб юборди:

1. Англия-Франция қуролли кучларининг Порт-Саиддаги қўмондони Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фавқулодда кучлари қўмондонига мурожаат қилиб, бир инглиз офицерининг ғойиб бўлганлигини билдиради... Шу муносабат билан инглиз-француз қўмондони инглиз-француз қўшинлари Мисрнинг бир қанча ҳарбий асирларини ҳамда гражданларини ушлаб қолганлигини хабар қилди ҳамда Мисрнинг расмий масъул кишиси Порт-Саидга келиб, ғойиб бўлган офицерни қайтариб юбориш чораларини кўрсин, деб таклиф қилди ва бу офицерни ҳарбий асир деб ҳисоблаб бўлмайди, деган фикрни айтди.

Миср ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролли кучларининг қўмондонига, инглиз-француз қўшинлари ҳужум қилган пайтлардан бери Порт-Саид Миср республикасининг қолган қисмларидан ажратиб қўйилганлигини ва, бинобарин, Миср ҳукумати ҳозир бу шаҳар устидан ҳеч қандай контроллик қилолмаслигини кўрсатиб ўтди.

Аммо инглиз-француз қуролли кучлари Порт-Саид аҳолисига қарши игвогарлик мақсадида ўзбошимчалик қилишни давом эттирмоқдалар.

2. Бундан ташқари, Бирлашган Короллик ва Франция ҳукуматлари ўз мамлакатларида яшаб турган мисрлик гражданларнинг ҳуқуқларини ва умуман инсон ҳуқуқларини назар-писанд қилмай, шу гражданларга нисбатан илгаридан қилиниб келган шафқатсизликни тагин ҳам кучайтирмоқдалар. Бу шафқатсизликлар Сувайш канали компанияси национализация қилинганидан кейин, Мисрга қуролли ҳужум бошланмасдан олдиноқ бошланган эди. Жумладан, улар мисрликларни Францияда ҳамма меҳмонхоналардан ва уйлардан кўчириб юбордилар; шу мақсад билан француз полициясининг уй эгалари бўлган ва меҳмонхона эгалари бўлган французларга тазъйиқ ўтказмоқда. Бундан ташқари, Франция ва Англия ҳукуматлари Миср ҳукуматининг Франция ва Англия банкларидаги маблағларини бердирмай қўйганликлари билан кифояланмай, айрим мисрлик гражданларнинг маблағларини ҳам бердирмай қўйдилар.

Ж. НЕРУНИНГ ВАШИНГТОНДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 20 декабрь. (ТАСС). 19 декабрда Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру Матбуот миллий клубида мухбирлар олдида сўзлаб, бир қанча халқаро проблемалар ҳақида гапирди.

Неру, сиз Чжоу Энь-лайнинг бирор шахсий мактубини олиб келганингиз йўқми, деган саволга жавобан, менда бундай мактуб йўқ, лекин Хитойга тааллуқли проблемаларни Эйзенхауэр билан муҳокама қилдим, деди. Неру Чжоу Энь-лайни Хитой олдида турган проблемаларни жуда яхши тушунган ажойиб давлат арбоби, деб айтди. Неру, фақат битта Хитой бор, деб уқтириб ўтди ва «иккита Хитой» бўлиши мумкин деб ўйламайман, деди.

Қуролсизланиш проблемаси тўғрисида ўз фикрингизни айтсангиз экан, деб берилган саволга жавобан, Неру, қурол-яроғларни, қуролли кишиларни чинакам камайтиришни ва ҳозирги замон қурол-яроғ турларини чеклаб қўйишни мен қуролсизланиш деб тушунаман, деди. Яна у айтдики, мана шу тадбирларнинг ҳаммасига қандайдир битим асос қилиб олиниши лозим, бу битимда томонлардан бирортасининг шу битимни бузмасликларини таъминлайдиган методлар кўрсатиб ўтилиши лозим.

Сўнгра Неру, менинг фикримча, бу проблема соҳасида Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқининг позициялари бир-бирига яқинлашиб қолди, деди.

Неру Ўрта Шарқдаги воқиаларни бартараф қилиш имкониятини шарҳлаб, Мисрга қарши қилинган агрессия бу аҳволни бартараф қилишни илгарига қараганда ҳам кўпроқ қийинлаштириб қўйди, деди. Неру, менинг фикримча, Сувайш проблемасини ҳар қандай тарзда ҳал қилганда ҳам, Мисрнинг канал устидан бўлган суверенитети албатта эътироф қилиниши лозим, деб таъкидлади.

АҚШ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ НИКСОН ВЕНАГА КЕЛДИ

ВЕНА, 19 декабрь. (ТАСС). АҚШ вице-президенти Ричард Никсон бугун самолёт билан АҚШдан бу ерга келди. Расмий хабарда унинг бу визитидан мақсад — «венгер қочоқлари проблемасини ўрганишдан иборат» дейилади. Бироқ, эътиборни шунга жалб қилмоқдаларки, «қочоқ проблемаси» деган гаплар Никсон сафарининг ҳақиқий мақсадини, яъни Венгрияда контрреволюцион исён чиқарган кучларни яна активлаштиришга уринишдан иборат мақсадини ниқоблаш учунгина керакдир.

Миср полициячилари Порт-Саидга келди

ҚОҲИРА, 19 декабрь, (ТАСС). МЕН агентлигининг хабар беришича, миср полициячиларининг 350 кишидан иборат биринчи группаси кеча Порт-Саидга келган. Миср полициячиларига БМТ фавқулодда қуролли кучлари қўмондонлигининг вакиллари ҳамроҳ бўлганлар.

Вьетнам халқининг кураши тарихида шонли воқиа

ХАНОЙ, 19 декабрь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси бугун қаршилик кўрсатиш ҳаракати бошланган кунининг 10 йиллигини нишонламоқда. Газеталар вьетнам халқининг кураш тарихидаги бу шонли кунига бош мақолалар бағишламоқдалар.

Республика саноат ишлаб чиқариши йиллик программасини 30 ноябргача умуман 101,4 процент бажарди. Совет Иттифоқининг ва Хитой Халқ Республикасининг ёрдами билан мамлакатда ўнларча янги саноат корхоналари, шу жумладан бойитиш комбинати, гугурт фабрикаси, бир неча электростанция қурилди. Шунинг натижасида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1955 йилдагига нисбатан беш баравардан зиёд ошди.

Бу йил қишлоқ хўжалигида ҳам анча муваффақиятларга эришилди. 8 миллион кишидан кўп аҳолиси бўлган территорияда аграр реформа асосан тугалланди. 1956 йилда шолининг ялпи ҳосили 1954 йилдагига нисбатан 60 процент ўсди.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 23 декабрда чиқади).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XII да **Ганг дарёсининг қизи**, 22/XII да **Юрак сирлари**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XII да **Фра Дьяволо**, 22/XII да **Мис чавандоз** (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XII да **Сурмахон**, 22/XII да **Зафар**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Николай Жеребцов гастроллари — «Куч аттракциони»**. Томоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **уч марта томоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун янги поляк бадиий фильми **У ким?**

«ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Асал ой**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
21 декабрда
КАТТА КОНЦЕРТ

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Убайдулла Мадраҳимов, Эргашхон Мирмаҳмудова, Ҳалима Раҳимова**, солистлардан **Жуманазар Бекжонов, Муҳаббат Мусаева, Фахриддин Содиқов, Зумрат Ҳожиева** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

В. Малясов кўчаси, 3-уйда турувчи **Зумрат Бобохонованинг** шу уйда турувчи Пўлат Бобохоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 1-участка халқ судида кўрилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
21 декабрда
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ
КАТТА КОНЦЕРТИ

Концертларда: Ўзбек ашула ва рақс ансамбли, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Комилжон Отаниёзов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Меҳри Абдуллаева, Коммуна Исмонлова, Учқун Ғаниев, Эргаш Шукуруллаев** ва солистлар қатнашади.

Программада: ўзбек, уйғур, қозоқ, тожик, қорақалпоқ, ҳинд ашула, музика ва рақслари.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 3 дан ва район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилмоқда.

«ТАШГОРПРОЕКТ»ГА
конструктор инженерлар ва техниклар, архитекторлар, теплотехник ва сантехник инженерлар ва техниклар, слаботочник инженерлар
КЕРАК

Иш ҳақи проект ташкилотларининг иккинчи категорияси юзасидан тўланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Сталин кўчаси, 29-уй (Шаҳар ижроия комитети ҳовлисида).

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
РЕСПУБЛИКА КИНО-УСТАНОВКАЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

АБУ АЛИ ИБН СИНО
(АВИЦЕННА)
НОМЛИ ЯНГИ РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий авторлари — **В. Виткович, С. Улуғзода.**
Постановкачи — **Комил Ёрматов.**
Режиссёр — **М. Авербах.**
Ролларда: **М. Орипов, Т. Тожиев, Б. Бакиров, М. Қосимов, Р. Ҳамроев, А. Жалилов, Р. Пирмуҳамедов, Қ. Хўжаевлар** қатнашади.

Фильмни Тошкент бадиий ва хроникал фильмлар студияси 1956 йилда ишлаган.

ДИҚҚАТ!
Республика газета ва журналларига ва область газеталарига
1957 йил январь ойи учун ва 1957 йил охиригача обуна шу йил 25 декабргача
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Бу муддатдан кейин обуна фақат 1957 йил февраль ойидан тортиб йил охиригача қабул қилинади.

Қуйидаги нашрларга ўз вақтида обуна бўлишга шошилингиз!

ГАЗЕТАЛАР:
«Қизил Ўзбекистон»,
«Правда Востока»,
«Ўзбекистони сурх»,
«Тошкент ҳақиқати»,
«Ташкентская правда»,
«Совет Ўзбекистони маданияти»,
«Ёш ленинчи»,
«Комсомолец Узбекистана»,
«Ленин учқуни»,

ЖУРНАЛЛАР:
«Ўзбекистон коммунисти»,
«Агитатор блокноти»,
«Блокнот агитатора»,
«Социалистик Ўзбекистон»,
«Муштум»,
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,
«Шарқ юлдузи»,
«Звезда Востока»,
«Пионер»,
«Фан ҳақида суҳбатлар»,
«Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон жамиятларининг лекциялари»,
Рангли фотоплакатлар сериясн.

Обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, шунингдек колхоз, совхоз ва МТС, корхона, муассаса ва ўқув юртларидаги жамоат обуна вакиллари томонидан ҳар қанча нусхага қабул қилинади.

Биринчи категорияли институт
«СРЕДАЗГИПРОВОДХЛОПОК»КА

Тошкентда ишлаш учун: старший инженерлар, группа раҳбари ва проект бош инженери вазифасига **саноат корхоналарининг теплотехник инженерлари**; старший инженер ва группа раҳбари вазифасига **иситиш ва вентиляция инженерлари**; старший инженер ва группа раҳбари вазифасига **механик-конструктор инженерлар**; инженерлар, старший инженерлар, группа раҳбарлари ва проектларнинг бош инженерлари вазифасига **қурилиш ихтисосидаги конструктор инженерлар**; старший инженерлар ва группа раҳбарлари вазифасига **архитекторлар**, стажли **электрик инженерлар**, стажли **гидролог инженер**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Ленин кўчаси, 23-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Ташкилот, муассаса, корхона ва гражданлар диққатига!
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг
«ТАШГОРОЧИСТКА» ТРЕСТИ
заявка берган кундан бошлаб 3 кун ичида
ХОВЛИЛАРДАН АХЛАТ ВА СУПУРИНДИ ОЛИБ ЧИҚАДИ
Заявкалар: Болгарские огороды кўчаси, 43-уйда, 30-508-телефон орқали ва Ўзкомбанкда қабул қилинади.

Қорасув район, Ўзгариш қишлоқ советидаги Воентерг совхозида турувчи **Камалидин Батртдиновнинг** шу совхозда турувчи Марьям Закиуллаевна Батртдиновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Қорасув район, 1-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалиг бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 08961. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1587.